

*Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi*

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | 2021-yil 20-iyul / № 30 (4637)

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ



**Қадрли юртдошлар!**

Қалбларимиз файзу илоҳий шукуҳга тўлиб турган ушбу улуғ кунда юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни тинчлик, шукроналик, меҳр-оқибат ва саховат рамзи бўлган муборак Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан ғоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу табаррук айёмни байрам қилаётган ер юзидаги барча мусулмон умматига, хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимизга халқимиз номидан самимий салом ва табрикларимизни йўллаймиз.

Бу йилги Қурбон ҳайити Ватанимиз мустақиллигининг шонли 30 йиллик тарихий санаси арафасида ўтаётгани унинг бетакрор руҳи ва кўрку тароватини янада зиёда этмоқда.

Мустақил юртда буюк мақсадлар билан тинч ва осойишта яшаш, ҳалол меҳнат қилиш муқаддас динимизнинг эзгу ғояларига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Сўнгги йилларда эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан барча соҳа ва тармоқлар қатори муқаддас динимиз, миллий-диний қадриятларимизни тиклаш, ривожлантириш ва тарғиб этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Улуғ уламоларимизнинг беназир илмий меросини чуқур ўрганиш, динимизнинг инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган эзгу анъаналарини муносиб давом эттириш мақсадида мамлакатимизнинг бугунги янги тараққиёт босқичида ислом маънавияти ривожига улкан эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми мактаби ва Мир Араб олий мадрасаси каби янги муассасаларнинг ташкил этилгани, ҳадис, калом, фиқҳ ва тасаввуф мактабларига асос солингани, ўнлаб янги масжидлар ва зиёратгоҳлар қурилаётгани ҳамда таъмирланаётгани бу борадаги ишлар кўлами нечоғли кенг эканидан далолат беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон фуқароларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари қаторида диний соҳадаги талаб ва эҳтиёжлари ҳам тўлиқ таъминланмоқда. Бу ҳақда гапирганда, яқинда янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

**Муҳтарам ватандошлар!**

Барчамизга аёнки, жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкам қарор топтиришнинг энг муҳим тамойилларидан бири ижтимоий ва диний бағрикенгликдир. Юртимизда турли конфессиялар вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида яшаётгани, жонажон Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани бизнинг энг катта бойлигимиздир.

Маълумки, халқимиз асрлар давомида диний ва дунёвий илмларни ўзаро уйғун ривожлантириш борасида ноёб тажриба мактабини яратган. Бу фикрнинг амалий тасдиғини ўзининг беқиёс илмий кашфиётлари, маънавий-маърифий тафаккури билан жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирган улуғ олимлар ва уламоларимизнинг бебаҳо мероси мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда ана шундай нодир маънавий хазинани чуқур ўрганиш борасида янада катта имкониятлар очилмоқда.

Ишончим комилки, икки дунё саодатига эришишдек улуғ орзу-ниятлар билан яшаётган олижаноб халқимиз униб-ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялашда ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, улкан ютуқларга албатта мушарраф бўлади.

**Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!**

Ҳозирги мураккаб пандемия даврида диний ибодатларни уй шароитида адо этиш бўйича кўпни кўрган уламоларимиз томонидан билдирилган таклиф, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг ҳаёти ва саломатлигини асрашга қаратилган энг тўғри қарордир.

Ушбу улуғ айём кунларида барчамиз Қодир Аллоҳдан бутун инсоният бошидан кечираётган бундай оғир синовларни енгиб ўтишда Ўзи мададкор бўлишини сўраймиз.

Сиз, азизларни муборак Қурбон ҳайити билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга Аллоҳ таолодан сиҳат-саломатлик, бахту саодат, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

Дуогўй кексаларимизнинг эзгу тилаклари ижобат бўлсин!

Ёшларимизнинг бахтини, камолини берсин!

Юртимиз доимо тинч, халқимиз ҳамиша соғ-омон бўлсин!

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

УЮШМА ТАДБИРЛАРИ

# «ОСИЁДАН НАРИ ОСИЁДА» КИТОБХОНЛИК

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид “Осиёдан нари Осиё” деб таърифлаган Сариосиё туманидаги 43-мактабга пойтахтдан йўлга чиққан маърифат карвони етиб борди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тақдим этилган нодир китоблар олис туман ёшларинининг қувончига қувонч қўшди.



Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид Президентнимиз томонидан илган сурилган беш ташаббуси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталар экан, китоб ва китобхонликнинг Ватан тараққиётида тутган улкан аҳамиятини устоз ёзувчи-шоирларнинг ибратли ҳаёти мисолида кўрсатиб берди. Зиёли ёшларга Учинчи Ренессанс даврида бунёд этилажак маърифат биносининг бунёдкорлари сифатида қаралаётганини алоҳида таъкидлади.

— Ўқув даргоҳимиз 320 ўринга мўлжалланган бўлиб, 65 нафар ўқитувчи 700дан ортиқ ўқувчи-ёшларга илм-фан сирларини ўргатиб келмоқда, — дейди 43-мактаб директори Наврўз Нодиров. – Айни пайтда ўқувчилар ёзги таътилда бўлишига қарамай, ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчимиз Адолат Комилова ўзи ташкил қилган тўгарак аъзолари билан мунтазам машғулотлар олиб бормоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид бошчилигидаги маърифат карвони келтирган 500га яқин бадиий китоблар кутубхонамиз фондини бойитибгина қолмай, излаб юрган китобларини шу ердан топиш имконига эга бўлган “Обод турмуш” маҳалласи ёшларнинг мушкулини осон қилди.

Дарҳақиқат, Адолат Комилованинг қизиқувчан шогирдлари Қурбон ҳайити арафасида ҳам нафақат адабий, балки расомчилик, қўшиқчилик, рақс санъати ва ҳунармандчиликка оид машғулотлар билан банд экан. Тўрт тилда – ўзбек, рус, инглиз ва тожик тилларида сабоқ олаётган ёш қаламкашларнинг қизиқишлари, илк шеърий машқлари ҳамда интилишлари меҳмонларни руҳлантириб юборди. Хонзода Абдураҳмонова, Азиза Воҳидова, Мадина Ҳабибуллаева, Сайёра Сафарова сингари тўгарак аъзоларининг адабий қизиқишлари сабаб, Ўзбекистон халқ шоири билан юзма-юз мулоқот мушоирага айланиб кетди. Севимли шоиридан қўлхат олаётган ўқувчи-ёшларнинг юз-кўзидаги самимият уларнинг келажакка катта умид ва ишонч билан боқаётганидан далолат бериб турарди.

**Шуҳрат АЗИЗОВ**

# ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҲАМКОРЛИК ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМЛАНДИ



**Жорий йилнинг 15-16 июль кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳрида “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.**

Афғонистон Ислом Республикаси президенти, Покистон Ислом Республикаси бош вазири, Марказий ва Жанубий Осиё давлатларининг ташқи ишлар вазирлари, жами 44 та мамлакат ва 30 га яқин халқаро ташкилот делегациялари, нуфузли хорижий илмий-тадқиқот ва таҳлил марказлари раҳбарлари иштирок этган анжуман минтақамиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги энг муҳим воқелик сифатида эътироф этилмоқда.

Анжуманда қизғин муҳокама этилган ҳаётий муҳим масалалар дунё жамоатчилигининг диққат марказида бўлди. Ушбу анжуман ҳам қўшни мамлакатлар билан тинчлик ва дўстлик, ишонч ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришни ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб олган мамлакатимизнинг иродасини, танлаган йўлининг эзгулигини яна бир бор кўрсатиб берди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги тарихий яқинлик, уни бугунги кунда ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида мустаҳкамлашнинг аҳамияти ҳақида нутқ сўзлади.

Президентимиз тарихи ва тақдири чамбарчас боғлиқ бўлган ушбу минтақа халқлари асрлар давомида бир-бирининг маданиятини бойитганлигига эътиборни қаратиб: “Икки минтақанинг ўзаро яқин ҳамкорлиги натижасида янги билим ва фалсафий қарашлар, тиббиёт ва астрономия, жўғрофия ва математика, геодезия ва меъморчилик, дипломатия санъати ва давлат бошқаруви соҳасидаги ютуқлар, юксак маданий ва маънавий-маърифий қадриятлар кенг ёйилди”, дея таъкидлаб ўтди. Тарихий вазият тақозоси билан икки минтақа алоқаларининг узилиб қолганлиги эса салбий оқибатларни келтириб чиқарганлигини Президентимиз афсус билан эътироф этди.

Бугун дунё катта ўзгаришларни бошидан кечираяпти. Янги замоннинг талаблари ҳам янгича. Президентимиз янги глобал геосиёсий ўзгаришлар даврида қарийб икки миллиард аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш, ўзаро ҳамкорликни жадал ривожлантириш ҳаётий заруриятга айланганини, ҳали ишга солинмаган улкан имкониятларни рўёбга чиқариш барча учун манфаатли эканлигига алоҳида эътибор қаратди.

– Ўзбекистон конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга доимо тайёр бўлган ишончли шерикдир – деди Шавкат Мирзиёев.

Анжуман давомида Президентимиз ушбу мақсадларнинг рўёбга чиқиши учун дастуриламал бўлган муҳим ташаббусларни илгари сурди. Шунингдек, анжуманда давлатимиз раҳбарининг илм-фан, технология ва инновация соҳаларидаги ҳамкорликка қаратилган ташаббуслари алоҳида диққатга сазовордир. Хусусан, Президентимиз томонидан илмий ва маданий-гуманитар алмашувларни кенгайтириш мақсадида Термиз шаҳрида ЮНЕСКО шафелигида “Марказий ва Жанубий Осиё тарихий мероси” мавзуида халқаро форум ўтказиш таклиф қилинди. Конференция арафасида Тошкентда Марказий Осиё халқаро институти очилди. Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ушбу таҳлил маркази қошида мамлакатимизнинг таниқли олимлари, тадқиқотчи ва таҳлилчилардан иборат Экспертлар кенгашини тузиш таклифи илгари сурилди.

**Дилмурод НАБИЕВ,**
**Қарши давлат университети ректори.**
**ЎзА**

# ДЎСТ ҚИДИРИБ... НУР ҚИДИРИБ...

**Ватан нақадар яқин эканлигини тушуниб, шу нурли йўл учун борлиғини тиккан, керак бўлса азиз жонларини ҳам фидо айлаган буюк инсонлар ҳақида кўп гапирамиз. Аммо баъзи ўринларда мағиз-мағизигача унчалик етиб боролмаймиз. Ундай инсонларга юксак истеъдодни аввало Яратган тақдим айлаган. Демак, улар бу йўлда изланиш, ҳар қанча хатарли бўлса-да, қалам тебратишга мажбур бўлган. Қолаверса, Ватанни бошқалар тасаввур қила олмайдиган даражада севган ва хатарли, аммо олижаноб шу йўлга ўзларини тикиб қўйганлар. Худо берган жон ҳам ширин, буни тирик жонларнинг ҳаммаси жуда яхши билади, ҳар қандай хатардан ҳимоя чораларини қидириб яшайдилар.**

Ахир, “фидойи бўлсанг, мана сенга сургун, турма, дорнинг сиртмоғи, милтиқнинг ўқи”, деб турган замонда нима қилсин бечоралар?! Баҳоли қудрат қутулмоқнинг бир чорасини излашлари табиий. Қолаверса, ижод ижоддан илҳом олади, нурли бу йўлдагилар бир-бирларининг камчилигини тўлдиради, илҳомлантиради, керак бўлса, яхши маслаҳатлар бериб, йўл-йўриқлар кўрсатишади...

Абдулла Қодирийдек буюк зот ҳам энг тиғиз дамларда шундайин тўкис ва бутун устозга эҳтиёж туйган экан. Излана-излана ақл тарозисидан ўтказиб кўриб, ўз даврининг пешқадам адибларидан бўлмиш устоз ва доно маслаҳатгўй сифатида Сирожиддин Махдум Сидқий Хондайлиқийни танлабди...

Сирожиддин Махдум Мирзоҳид ўғли – Сидқий Хондайлиқий тақдирига энг оғир даврда яшаш битилган экан. Демак, шундайин саранжом, покиза, фидойи инсонлар эзиб-янчилган Туркистон учун керак бўлган-да! Сирожиддин илм-маърифат соҳасида нафақат маҳалласи, қишлоғи, балки Фарғона водийси, Сайрам, Чимкент, Туркистон тарафларга ҳам донғи етган Мирзоҳид Охунд хонадонининг фарзанди эди. Мактабдорлик билан шуғулланган бу хонадонга шу депаралардан илм излаганлар келар эди. Энг муҳими, Худойи Таоло юктирган Сирожиддин бора-бора ушбу зиёли хонадонга сиғмай, ўн тўққиз ёшида катта шаҳарга йўл олади. Кесаккўрғон, Бегларбеги, Кўкалдош каби мадрасаларни қисқа фурсатларда тўлиқ битириб, замонасининг етук зиёлилари – жадидлар даврасига дадил кириб боради. Камий, Иффат, Ризоий, Чўлпон, Фитрат, Сарёмий, Беҳбудий, Хислат, Васлий янглиғ ўнлаб, балки юзлаб фидойилар даврасида серқирра ва туғма истеъдод эгасини қучоқ очиб кутиб олганлар. Сирожиддин-ку, Тошкентга яқин қишлоқ – Хондайлиқдан асосан отда қатнаб, ҳужраларда яшаб ижод қилган. Сайрам, Самарқанд, Ёркент каби шаҳарларнинг вакиллари ҳам асосан отда қатнаганлар. Ана, тасаввур қилинг, шароитнинг нақадар мураккаб ва оғир эканини! Ҳар қандай қийинчиликни мардонавор енгиб, Сидқий сингари фидойилар эрк, озодлик, инсон эркинлиги йўлида матонат билан яшаган ва мардонавор курашганлар.

Аҳволни ҳар тарафлама чуқур ўрганиб, ғоят оғир, хатарли, аммо нурли ҳақиқат йўлини танлаган Абдулла Қодирий ҳам ўз даврининг таниқли зиёлиси билан танишиш, дўстлашиш ва ижод оламида ҳамкорлик қилишга бел боғлаган экан...

Ўтган шу даврларда олис манзилларга йўл босиш... Одамлар буюк зиёратгоҳларга, таниқли машҳур инсонлар яшаган жойларга, ҳатто Ҳаж сафарларига ҳам пиёда борганлар. Эзгулик, улуғвор вазифалар уларни шунга мажбур айлагани бор гап...

“Абдулла Қодирий катта сафарларни асосан от миниб бажарган экан. Отаси Қодир Сарбоздан ушбу усул мерос қолган”, – дейди адиб набираси Хондамир Қодирий. Сарбозликнинг ғоят жангавор йўл эканлигини ўтмиш тарихимиздан хабардорлар яхши билади. Ижод оламига адибимиз от миниб кириб борганликлари айни ҳақиқат. Ўзлари ҳам ҳар томонлама чиниққан, кўркам ва паҳлавон инсон эканлар...

Баҳорнинг этаги, ёз фаслининг боши сайру саёҳат ва сафарларга бел боғлаганлар учун энг қулай фурсат ҳисобланади. Чор тараф табиий гўзалликлар, қушлар ва турли тирик жонларнинг яйраб-яшнаётган маҳали. Лекин табиий бу гўзалликлар от миниб бораётган адибимизнинг қалбига қувонч бахш эта олмасди. Ғоят серқирра истеъдодга эга бўлган устоз билан бу инсон учраша олмади. Чунки ўтган йилнинг кеч куз кунларидан бирида Сирожиддин Махдум роппа-роса эллик ёшида тўсатдан вафот этган эди. Ушбу ҳолга ҳамма ҳайрон. Ўзи табобат оламининг таниқли намояндаси бўла туриб, бу йўқотиш нечун рўй берди экан?! Нозиктаъб шоирнинг қизлари куйиб-ёниб бир гапни такрорлашарди:

– Дадамизни беажал ўлдиришди! Анови фельдшер берган дори бошига етди дадажонимизни!..

Ростдан ҳам шундай бўлган экан. Сибир сургунлари таҳдидларидан қочиб, катта водийда йиллар давомида яшириниб яшаган Сирожиддин Махдум Тошкентга ҳам сиғмай қолиб ҳамқишлоқлари кўчиб тушган Паргиз қўрғонида ҳам фожиадан қутула олмабди. Аммо, аввало, қотилликка аниқ исбот йўқ. Қолаверса, таҳдидли шу замонда шўрлик бир шоирни ким ҳам ҳимоя қила оларди?!

Ушбу ташвишли томонларни ўйлаб юрагига қил сиғмай бораётган Абдулла Қодирийни табиий гўзалликлар қандай қилиб овунтира оларди?!

Отасининг кутилмаган вафотидан қаттиқ изтиробга тушган фарзандлар бир гапни қайта-қайта таъкидлашарди:

– Дадамиз вафоти катта шаҳарларгаям етиб борган бўлса керак, бир тўда эркак-аёллар келишиб, бисотларини обдан тит-пит қилдилар. “Устоз меҳнатларини юзага чиқарамиз”, дейишди. Бироқ тайинли бирон иш бўлгани йўқ. Кейинроқ келган Абдулла исмли йигит кўнгил кўтарадиган гаплар айтиб, бизларни юпатди. Қайтар чоғида бир гапни қаттиқ тайинлади: “Бундан кейин устоз нарсаларини ҳеч кимга кўрсатманглар ва берманглар. Фақат Абдулла Носиров исмли вафодор шогирди йўқлаганда қолган-қутган ҳамма бисотини шу инсонга топширинглар. У одам албатта бир кун йўқлаб келгусидир...” Дарҳақиқат, кейинроқ – 1946 йил Абдулла Носиров исмли инсон келиб, бор нарсаларини рўйхат қилиб олиб кетдилар. Катта даргоҳга топшираман, дедилар...

Бу даргоҳ Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти эди. Унда Сирожиддин Сидқий асарлари сақланмоқда. Орасида “Минг бир кеча”нинг тўкис таржимаси ҳам бор. Илмий ишлар билан машғул ёшлар маънавий ва ноёб бу бойликдан фойдаланса ва юзага чиқарсалар, шўрлик жадидлар ҳаёти ва фаолияти янаям тўлиқ юзага чиқарди...

От миниб, дўст қидирган адиб уловининг жиловини шоир ўн тўққиз ёшгача яшаган Хондайлиққа, сўнг Сидқийлар даврасида устоз саналган Юсуф Сарёмий туғилиб ўсган Сайрам ўлкаси сари бурди. Сирожиддин Сидқий Хандақлиқий ҳам ўз даврида олача тусли биясига минволиб, турли тарафлардан содиқ ва фидойи дўстлар қидириб яшаган экан.

**Асад АСИЛ,**
**ёзувчи**

*Ўзбекистонда Тожикистон киноси кунлари олдидан*

Тошкентдаги «Рамз-фильм» киностудиясида XX асрда яшаб ўтган атоқли ўзбек маърифатпарвари Абдулла Авлоний ҳақида фильм суратга олинадиган бўлди. Ундаги етакчи образлардан бири — Афғонистон ташқи ишлар вазири Маҳмуд Тарзий ролига бир қатор санъаткорлар, жумладан, тожикистонлик актёр Абдуқодир Яҳёев ҳам таклиф этилди. Мазкур фильм таниқли ўзбек ёзувчиси Тоҳир Маликнинг «Қалдирғоч» қиссаси асосида суратга олинаётган бўлиб, киносценарий асар муаллифи ва Муқаддас Усмонова ҳамкорлигида ёзилган эди.

Бошқа роллар ижрочилари қатори Маҳмуд Тарзий тимсолини гавдалантиришга муносиб кўриладиган актёр ҳақидаги фикрини олиш учун адибга мурожаат қилинди. Санъаткорларнинг суратлари ва видеолавҳалар билан танишган Тоҳир Маликка Абдуқодир Яҳёев маъқул келган эди. У Маҳмуд Тарзий қиёфасини гавдалантиришга айнан шу актёр мос, деди. Кинорежиссёр Музаффархон Эркинов ёзувчи билан фикри бир жойдан чиққанидан, тожикистонлик актёрни таклиф этиб хато қилмаганидан хурсанд бўлди.

# САНЪАТКОРНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Фильм суратга олиниб, «Авлоний» фильми кинотеатрларда намойиш этилди, Ўзбекистоннинг барча телеканалларида кўрсатилди. Мутахассислар бошқа ижрочилар қатори Абдуқодир Яҳёев ижросига ҳам юксак баҳо беришди. У Афғонистон тупроғига кўз тиккан айрим мамлакатлар раҳбарлари мақсадини яхши англаган, қийин даврда мулоҳазали иш юритган сиёсатчи, айни пайтда маърифатли инсон — тарихий шахс Маҳмуд Тарзийнинг ролини ишонарли ижро этгани таъкидланди.



Айтиш жоизки, Маҳмуд Тарзий Абдуқодир Яҳёевнинг кинода яратган ягона роли эмас. Гарчи у кино санъатига бирмунча кеч кириб келган бўлса-да, Тожикистон киностудияларида суратга олинган «Тор дара» ва «Совчилар» фильмида эсда қоларли образлар яратди. Ўзбек киностудияларида бир йил давомида бешта фильмда иштирок этишга муваффақ бўлди. Хусусан, «Авлоний»дан ташқари, яна бир улуғ маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат ҳақидаги филмда Ибратнинг тоғаси — Носирхон ота, «Сўнгги истак»да — Жалил, «Шернинг қайтиши»да Мирзобобурнинг бобоси ва «Қора ҳудуд»да Маҳмуд Абдуллоҳ ролларини ижро этди. Шу тариқа Абдуқодир Яҳёевнинг, таъбир жоиз бўлса, санъатдаги иккинчи умри бошланди. Бунгача у Тошкентдаги театр ва рассомлик санъати институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)ни тугаллаб, аввал Сирдарё вилоят театрида, кейинчалик узоқ йиллар Нов (ҳозирги Спитамен)даги Шукур Бурҳонов номли ўзбек мусиқали драма театрида ишлади. Ўнлаб спектаклларда қатор роллар ижро этди. Режиссёрлик қилди, театрга директор бўлди. Такидлаш керакки, Абдуқодир Яҳёев жаҳонда камдан-кам режиссёрлар қўл уришга жазм этадиган Шекспирнинг «Ричард III» асарини саҳналаштирди. Кичиккина ижодий жамоа билан бундай йирик асарга қўл уришнинг ўзи чинакам жасорат эди.

Ушбу спектаклга мутахассислар ҳам юксак баҳо беришди. Жумладан, таниқли тожик театр режиссёри Худойдод Орифий «Ричард III»ни Грузияда, Шота Руставели театрида чорак аср муқаддам кўрганини айтиб, шундай деганди:

— «Тбилисида спектакл кўраётганимда ҳайратдан сочларим тиккайиб кетганди. Ана шу томошадан анча ўтиб Тожикистондаги ўзбек театрида «Ричард III»ни кўриб, юртимизда шундай театр борлигидан фахрланиш ҳиссини туйдим.

Абдуқодир нафақага чиққач, ўзи меҳр-муҳаббат қўйган санъатни тарк этмади. Дастлаб тожик киночилари ролга таклиф этишганида рад қилмади. Кинодаги дастлабки ролини кўрган ўзбек режиссёрлари уни кетма-кет фильмларга таклиф қила бошлашди.

— Санъат халқларни ҳам, санъаткорларни ҳам дўстлаштиради, — дейди Абдуқодир Яҳёев. — Мен қардош Ўзбекистонда кўплаб таниқли санъаткорлар билан елкама-елка ишладим. Асли юртдошим, ҳозирда Ўзбекистонда таниқли ижодкорлар Маъруф Отажонов, Боир Холмирзаев билан эскидан дўстмиз. Бу дўстларимдан ташқари, таниқли ўзбек санъаткорлари Муҳаммадали Абдуқундузов, Теша Мўминов, Эркин Комилов, Матёқуб Матчонов, Сайёра Юнусова билан бирга ижод қилиш бахтига муяссар бўлдим. Мени ҳар гал Ўзбекистонга, бирор фильмга таклиф этишганида, икки доно Президент — мамлакатимиз ва қўшни Ўзбекистон раҳбарлари — Эмомали Раҳмон ва Шавкат Мирзиёевнинг икки қадимий халқ ўртасида янги дўстона алоқалар ўрнатишдек тарихий ишларини миннатдорлик билан эслайман.

Бу доно сиёсат тўғрисида менга ўзбекистонлик машҳур актёр Убайдулло Омон, Тожикистон халқ артисти Сайрам Исаева ҳам гапириб беришганди. Убайдулло Омон «Тожикфильм»да суратга олинган «Сув ўғли» фильмида асосий образ — бобо ролини маҳорат билан ўйнади. «Ўзбекфилм»да Нодирабегим, Майсара каби ўндан ортиқ роллар яратган Сайрам Исаевага ўзбек киночиларининг «Олтин ҳумо» мукофоти берилди. Яқинда Сайрам Исаева уни истеъдодли ўзбек кинорежиссёри Қамара Камолова ўзи суратга олмоқчи бўлган фильмга таклиф қилганини айтди.

Абдуқодир Яҳёевни ўзбек кинорежиссёрлари янги ролларга таклиф этишмоқда. Бу ҳақда ўзи шундай дейди:

— Ўтган ой Хўжанд яқинидаги машҳур «Арбоб» қасрида Тожикистон ва Ўзбекистон Президентлари Эмомали Раҳмон ва Шавкат Мирзиёев билан биз — зиёлилар ва вилоятимиз фаолларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Шавкат Мирзиёев жаноби олийлари халқларимизнинг азалий дўстлиги, янги-янги ҳамкорликлар ҳақида гапирдилар. Ўзбек ва тожик дўстлигини тараннум этувчи, икки буюк шахс – мавлоно Абдураҳмон Жомий ва ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида фильм яратиш таклифини айтганларида, ҳамма узоқ вакт тик турганча қарсак чалди. Мен эса қувончимни ичимга сиғдира олмасдан, қанийди, шу фильмда образ яратсам, деб ўйлардим. Тезроқ бутун жаҳонга тарқалган коронавирус пандемияси тугаса, чегаралар яна очилса ва биз санъаткорларга ҳам кино олиш майдончаларига айтилган вақтда етиб бориш имконияти туғилса эди...

Театр ва кино актёри Абдуқодир Яҳёев ва миллионлаб инсонлар кўнглидаги бу ниятнинг амалга ошишига тилакдошмиз.

**Ўринбой УСМОН,**
*Хўжанд, Тожикистон*

**Бугунги замонавий ўзбек насримизда таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ўз сўзи, ўз ўрни бор. Мухлислар бу ёзувчини “Бозор”, “Донишманд Сизиф”, “Ўйин” романлари ҳамда “Нигоҳ”, “Паноҳ”, “Оромкурси”, “Сўроқ”, “Куза...”, “Ёлғиз” каби ажойиб қиссалари, кўплаб ҳикоялари орқали яхши танийди. Жорий йилда адибнинг ҳар бири ўртача 650-700 саҳифадан иборат бўлган тўрт жилддан иборат китоби “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилди. Бугунги кунда йиллаб риёзат чекиб, ёстиқдай-ёстиқдай китоблар битиш, нашриётда чоп эттириш ва сотиш у ёқда турсин, ҳатто уларни ўқиш ҳам камёблашиб кетаётган бир пайтда бундай китоблар чиқишини адабий ҳаётимизнинг катта ва эсда қоларли воқеаси деб айтсак, асло муболаға бўлмас. Ушбу тўрт жилдликни, албатта, севимли ижодкоримизнинг адабиётимиз, қолаверса, мухлислар олдидаги ўзига хос ҳисоботи ҳам дейиш мумкин.**







# ҲАЁТГА ҲАЁТНИ ЎРГАТГАН КИТОБЛАР

Биламизки, ёзувчи дастлаб ўзининг турли мавзулардаги ҳикоялари билан адабиёт оламига кириб келган эди. Муаллиф ҳикояга “эрка, шу билан бирга




ғоятда яшовчан насрий жанр” дея таъриф берган. Бунинг бежиз эмаслигига адиб асарларининг биринчи жилдига кирган ҳикояларни ўқиб ишонч ҳосил қиласиз. “Ҳикоя” деб номланган ушбу жилддаги элликка яқин асарларни ўқишга киришар экансиз, нафақат ҳикоя қаҳрамонлари, балки муаллифнинг ўзи билан ҳам янада яқиндан дийдорлашасиз, дардлашасиз, ҳатто айрим ўринларда баҳслашасиз ҳам.

Х.Дўстмуҳаммад шундай қаламкашлар тоифасиданки, унинг ҳикояларини дарров, осонгина ҳазм қилиб бўлмайди.Чунки коса тагидан нимкосалар чиқиб келаверади. Уларни тафаккурнинг теран чиғириғидан ўтказиб, сўнгра англаш, таҳлил этиш мумкин. Зеро, адабиётнинг бош вазифаси ҳам китобхонга асарни шундоққина чайнаб оғзига солиб қўймай, балки уни мушоҳада қилишга ўргатишдан иборатлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Адиб ҳикояларининг аксарияти, жумладан, “Тўхтабойнинг бойликлари”, “Этакдаги уй”, “Жажман”, “Беозор қушнинг фарёди”, “Киова қуёши”, “Ибн Муғанний”, “Қазо бўлган намоз” ҳамда бошқалар матбуотда эълон қилинган заҳотиёқ адабиёт мутахассислари ҳамда кенг жамоатчиликнинг назарига тушган, турли баҳс-мунозараларга мавзу бўлган.

Мазкур тўрт жилдликнинг иккинчисига адибнинг ўнта қиссаси киритилган бўлиб, жилднинг номини муаллиф “Қисса” деб номлаган. Албатта, бу қиссаларнинг ҳам барчаси дастлаб журналларда, кейинчалик эса китоб шаклида чоп этилган. Муаллиф ушбу асарларида ҳам инсон деб аталмиш тилсимли ва нозик хилқатнинг бутун мураккабликларию соддаликлари, қувончларию изтиробларини атрофлича очиб беришга интилади. Асосийси, барча қиссалар мутолаасида биз ўзи билан ўзи курашиб яшаётган, ўзини англашга уринаётган турли тақдир ва феъл-хўйдаги персонажларга тўқнаш келамиз. Уларнинг хато ва камчиликларини ёки ижобий фазилатларини ўзимизга кўзгу мисоли тутамиз. Зеро, ҳар бир инсоннинг ҳаёти аслида шундай курашлар, ғалабалар, мағлубиятлар, хатолар ҳамда уни тузатишга бўлган уринишлардан иборат эмасми? Бундан қирқ йиллар муқаддам ёзилган “Нигоҳ” қиссасида ҳам, энг кейинги ёзилган “Ёлғиз”да ҳам худди мана шундай хусусиятлар намоён бўлган.

Адибнинг “Паноҳ”, “Чаёнгул”, Оромкурси”, “Сўроқ”, “Қичқириқ” қиссаларида адабий қаҳрамонларнинг ўзи яшаётган муҳит, одамлар билан муомала-муносабати ва ўз-ўзи билан мунозараси, керак бўлса, кураши бош мавзу қилиб олинади. Масалан, бир тақдир, бир воқеа тасвирланган “Чаёнгул” қиссасидагина эмас, балки бошқа кўпгина асарларида ҳам адиб ҳаёт воқелигини, инсон феноменини ўзига хос тарзда талқин этади. Х.Дўстмуҳаммаднинг энг яхши асарларидан бири бўлган “Ёлғиз” қиссаси улуғ адибимиз, ўзбек романчилигининг отаси Абдулла Қодирийнинг ҳаётига бағишланган. Асарда буюк адибнинг “Йиғинди гаплар” мақоласи билан боғлиқ бошидан кечирганлари диққат марказига қўйилиб, шўро тузумининг зўрлик ва бедодликка асосланган сиёсати маҳорат билан очиб ташланади. Асарда, хусусан, мамлакатнинг истибдод чангалига тушиб қолишида, аввало, миллат ўзи айбдорлиги, унинг илмсизлиги, дунёқараши торлиги, фан-маърифатдан мутлақо бебаҳралиги, аҳволи аянчли эканини ҳатто ўзи ҳам англамагани чуқур ва атрофлича таҳлил этилган.

Х.Дўстмуҳамад йиллар ўтиб, қалами чархланиб, катта жанр — романга қўл урди. Хусусан, китобларнинг учинчи жилдидан адибнинг “Бозор”, “Донишманд Сизиф” ва “Ўйин” романлари ўрин олган. Бундан йигирма йиллар




аввал чоп этилган “Бозор” романида муаллиф инсон феъл-атворини, орзу-ҳавасларию қисматини кенг маънодаги бозор майдонида кўрсатишга ва очишга ҳаракат қилган ва ўша пайтдаёқ асар адабий жамоатчилик ва китобхонлар орасида қизғин баҳс- мунозаралар уйғотгани эсимизда.

“Донишманд Сизиф”да ёзувчи воқеалар тизимини олис ва қадим юнон афсоналаридан танлаган, унга ўзбекона тафаккур либоси билан кўрк бағишлаган. Юнон афсонасида айтилишича, Сизиф бутун умр бўйи ҳар куни харсангни тепага олиб чиққан ва ҳар гал харсанг пастга думалаб кетаверган. Қолаверса, ушбу юнон афсонасидан илҳомланиб, кейинчалик жаҳон адабиётида кўплаб дурдона асарлар ҳам яратилгани маълум. Ўзбек адиби эса қадим юнон ривоятига ўзгача ёндашган, роман ечимини ҳам ўзига хос якунлаган.

Китобларнинг тўртинчи жилди “Изҳор” деб номланган. “Изҳор”нинг биринчи мақоласи — “Сўз — муаллифга”да адиб ўзининг ёшлиги, оиласи ҳамда илк бор матбуот ва адабиётга кириб келган даврларини самимий ва қизиқарли тарзда очиб бера олган.

Бўлғуси адибнинг ўша вақтда Кибернетика институти директори бўлган Восил Қобулов билан тайёрлаган “суҳбат”и айниқса, эсда қоларлидир. Яхшиси, бу ҳолатнинг ўзини келтирайлик:

“Аввалги айрим тажрибалардан келиб чиқиб, саволларни ёздим, Восил Қобулов номидан жавобларни ҳам “қотириб” ташладим. Олиб бордим. Қабулга кирдим.

— Келинг, деди домла ўтирган жойида кўзойнак тепасидан менга ҳайрон қараб.

— Суҳбатни олиб келгандим.

— Қандай суҳбат?..— савол қотди домла ва 8-10 варақ қоғозни олиб, бир зумда унга кўз югуртириб чиқди. — Қаердан олдингиз менинг гапларимни?

—Ёздим... Вақтингиз бўлмагани учун...

Домла икки қўллаб қоғозларни қўлимга тутқазди.

— Буни сиз ёзмадингиз, мен кўрмадим. Қайтиб ҳеч қачон бундай иш қилманг, ука. Якшанба куни уйимга борасиз, бир соат вақт ажратаман. Мириқиб суҳбатлашамиз.

Қиш кезлари эди, салкам уч соат бозиллаган сандалга оёқ суқиб ўтириб суҳбат қурдик...”

Бу ёш журналистлар учун беқиёс дарс... “Изҳор”нинг “Мунозара майдони — ҳикоя!”, “Мунозара майдони — қисса! Ва “Мунозара майдони — роман!” бўлимларидан атоқли олимлар У. Норматов, И.Ғафуров, Ш.Ризаев, Р.Кўчқор, Й.Солижонов, А.Улуғов ва бошқа таниқли олимларнинг адиб асарлари таҳлилига бағишланган мақолалари, тақризлари ўрин олган. Китобнинг “Суҳбатлар, суҳбатлар” бўлимида эса олим, ёзувчи ва матбуот нашрлари мухбирлари билан Х.Дўстмуҳаммаднинг дилдан суҳбатларини ўқийсиз.

Мазкур тўрт жилд ҳақидаги фикрларни мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, Х.Дўстмуҳаммад сабот-матонат, машаққат ва камтаринликни шиор қилиб, ўзининг роман ва қиссалари, ҳикоялари ва публицистикаси билан насримизга салмоқлигина ҳисса қўшиб қўйибди. Бугунги тезкор, қолаверса, ҳамма ҳам газета, китоб ўқимаётган бир даврда ёзувчининг бундай жасорати фақат ва фақат табрик ҳамда таҳсинга муносиб деб ўйлаймиз.

**Абдумажид АЗИМ**

Бек АЛИ



## ИЗҲОР

Саҳардан шомгача, шомдан оқшомгача,
Қалдирғоч ин қурган эски айвонгача,
Мавлоно Румийдан Умар Хайёмгача
Кўнглига сиғдирган элни севаман!

Саҳродан сойгача, йўқсилдан бойгача,
Ҳижратин бошлаган тупроқдан ойгача,
Кўнглида камтарлик ҳам чиройгача
Фарзандлар ўстирган элни севаман.

Саводсиз авомдан, ижодсиз мақомдан,
Сафарда емирилган иккита тақамдан,
У дунё, бу дунё олар деб ёқамдан,
Дўстини сотмаган элни севаман.

Мендай гулдиракни туғдирган отам,
Сендай гул юракни туғдирган отанг,
Севгилим, агар сен мени севмасанг,
Мен сени севдирган элни севаман.

Саҳардан шомгача, шомдан оқшомгача,
Юпун болаликдан номсиз таомгача,
Есениндан тортиб Машраб бобомгача
Шоирни сийлаган элни севаман.

## ЛАЙЛИЖОН

Баҳор ёмғиридай тез ва шиддатли,
Чақмоққа ўхшарди — жуда қудратли,
Ҳаётдай лаззатли, бол каби тотли
Муҳаббат бергандинг менга, Лайлижон.

Эсингдами, менинг йўқ эди кулбам,
Ўйлардим, ким кўмар кўчада ўлсам,
Худо пешонамга омад битмасдан
Фароғат бергандинг менга, Лайлижон.

Дединг, етим қизга шўр экан дунё,
Бошидан адоғи йўл экан дунё,
Ўттизга кирмасдан бўлдим авлиё,
Фаросат бергандинг менга, Лайлижон.

Ёмғирлар кўп ёғди ундан кейин ҳам,
Шамоллар сочимни ўйнаб елади.
Келажакка шошар оломон бу дам,
Менинг ўтмиш сари қайтгим келади.

Гоҳи томинг узра қилурман парвоз,
Мунгли кўзларингдан излаб ном-нишон.
Беўхшов туғилдим онадан бироз,
Нафосат бергандинг менга, Лайлижон.

Гуноҳим бошимга қадар, Лайлижон,
Туғлари кўксимга ботар, Лайлижон.
Сен-ку ёзғирмадинг қилмишларимдан,
Виждоним Тангримга сотар, Лайлижон.

Ва кетдинг...
Жим кетдинг, кетдинг, Лайлижон,
Бахтли бўл, тахтли бўл, энди, майли, жон.
Кетаринг олдидан майу заъфарон,
Қиёмат бергандинг менга, Лайлижон...

## МЕНИ ШОИР ДЕРЛАР

Мени шоир дерлар — кўкси чатнаган,
Мени ошиқ дерлар — бошимда савдо.
Мени ота дерлар — ишга қатнаган,
Мени юлдуз дерлар — туркумим жавзо.

Мени бола дерлар — ноқобил ўғлон,
Мени дарвеш дерлар — елкамда жандам.
Менинг орзуларим туғилмай ўлгон,
Мени қурбон дерлар, очиғин айтсам.

Мени қўрқоқ дерлар — рости ҳайиқиб
Яшайман, қачондир ёзолмасам шеър.
Шунчаки май ичсам, сўздан айрилиб,
Улар мен тўғримда худосиз ҳам дер.

Мени шоир дерлар, кўкси чатнаган!

Наргиза ОДИНАЕВА



## ВАТАН СИЙРАТИ

«Синглимнинг ўсмаси оқмасин» –
Юзига термулиб тураман.
«Акамга кўзим тик боқмасин» –
Юрагим эгилиб тураман.

Болалик – югурган шамоллар,
Йўлини қоялар тўсмайди.
Кафтида энг гўзал аъмоллар,
Жонида тиконлар ўсмайди.

Энг гўзал изларни чизади,
Тупроққа судралган этаклар.
Руҳида жаннатлар кезади,
Иситиб қўяди эртаклар.

Бобомнинг юзида кун тиғи
Қолдирган йўлларни сўнг билдим.
Момомнинг заранг, тол урчуғи
Айланган изларга қоқилдим.

Айланди учқурдек чархпалак,
Чўмичи неча бор қуйилди.
Кафтида улғайдим, эй фалак,
Момом ҳам Ватандек туюлди.

Тупроқнинг исида не сирлар,
Қўшиқ айт, кўнглимнинг париси.
Соғинч ҳам, муҳаббат, меҳрлар,
Қўшилиб кетгандай бариси.

Онам сут пишириб ҳар саҳар,
Зуҳрони энг аввал кўради.
Отамнинг елкаси бир шаҳар,
Биз кўрган орзулар туради.

Бугун менинг шоирлигим чин,
Ой нурлар элайди устимдан.
Дунёнинг тўнини кенг бичинг,
Мен бериб тураман кўстимдан.

Болалик, шамолдай йўқ тинчим,
Дийдор, айт синглимдан, дўстимдан.
Уйғотиб юборди соғинчим,
Учди кўк каптарлар кўксимдан.

Отам, иним, кўз-қошим – Ватан,
Ҳавом, ерим, қуёшим – Ватан.
Бир умрни сўнгсиз гуллайман,
Охирларим ва бошим Ватан.

* * *

Она, кўнглинг дарёда оқди,
Бўлолмадим унда қайиқлар.
Эртагингда ким нима топди,
Ағдарилиб ухлар айиқлар.

Жим турибди осмонда қуёш,
Замин узра тўкилар ҳаво.
Дард танага сиғмаса – кўз ёш,
Кўз ёш – ичим айтмаган даъво.

Узоқ ёнар арчанинг чўғи,
Йўлга қараб ўсади соя.
Қараяпман, дунё бор-йўғи
Биз ухлашга сиққан чорпоя.

* * *

Кетгинг келганида кета олсанг шаҳд,
Йиғлагинг келганда йиғлолсанг тўйиб.
Одам – тақдирига экилган дарахт,
Фасллар ўтади мухрини қўйиб.

Ерда юрганларнинг ҳаммаси собир,
Ўтиб келаяпти кўнглини қуршаб.
Елкасидан тонглар учади бир-бир
Дарахтларга қўнган қушларга ўхшаб.

Икромжон АСЛИЙ



## ҲАЙРАТ

Дилбар мусиқага тутганда қулоқ,
Ё гўзал тасвирга солганимда кўз,
Ёки бир қўшиқни тинглаганим чоқ,
Ҳаяжоним ортар, тополмайман сўз.

Раққоса ноз ила этганда хиром,
Ғамзаси солганда жону танга ўт,
Бу тенгсиз нафосат асири бўлиб,
Вужудим ром бўлар, сақлайман сукут.

Юлдузлар порласа, кўкда жимирлаб,
Ой сўйлар бўлса тун ҳикоясини,
Ғунчаларга булбул сўзласа ройин,
Шоир шеърга тўкар ишқ ғоясини.

Олам гўзаллигин қилса намоён,
Сунбулсоч қизларга келсам рўбарў.
Бир нафас ҳамнафас бўлсам эди, деб
Дилкаш дийдорини қиламан орзу.

Қаерда гўзаллик кўрсам шу онда,
Ҳайратим ортади бари-барига.
Ҳавасим келади нурли ўлкамнинг
Қалби нурга тўла одамларига.

Ўн саккиз минг олам назокатидан
Завқланиб яшайман хуррам, осуда.
Гўзаллик шавқининг қошида лоқайд
Тургувчи тош қалбдан қўрқаман жуда!

## КУТУБХОНАДА

Бу ерда оқлик бор,
Қоғоз оқлиги,
Қалбларнинг сафоси, ишқ сўроқлиги,
Бу ерда ёшликнинг вақтичоқлиги,
Бу ерда оқлик бор,
Қоғоз оқлиги.

Мен ҳам қўшиламан,
Гарчи, давра зич,
Оҳиста чўкаман, қўлимда китоб,
Дилимга кўчади шуълаи офтоб,
Гўзал машваратдан
Чиққим келмас ҳеч.

Қаерга бораман,
Не зарур иш бор,
Машраб турганида, Бедил турганда,
Улуғбек юлдузи қаҳ-қаҳ урганда,
Қаерга бораман,
Не зарур иш бор?!

Бир зум чекинади
Ташвишлар мендан,
Уйдаги камлару кўчада ғамлар,
Бунда сўлмас гуллар, биллур шабнамлар,
Бу бир бўстон эрур,
Ёлқини чандон.

Ана, сирли боқиб
Гўзал толиба
Ёнида йигитга нимадир деди.
Табассумин шеърда шарҳлолсам эди,
Бу ҳусн олдида,
Нетай, сўз ожиз...

Сукунат, сукунат,
Гоҳи бир шивир,
Учган пашша сасин синдирар зумга.
Сўнг яна бу шивир сингади қумга,
Ширин бир сукунат,
Сирли бир шивир.

Билмоққа келдим-ку,
Мен, бани башар,
Ҳаёт китобини ўқийман бунда.
Янгиланиш шавқи муттасил унда,
Билмоққа келдим-ку,
Мен, бани башар!...

Орзумурод НУРМАТОВ



## ҲАЁТ ЭРТАГИДА...

Ҳаёт эртагида мен бир йўловчи,
Севги дарахтидан узилган қалбман.
Кутиш поездига тўлов тўловчи,
Парча қоғозлардан тузилган қалбман!

Ҳаёт эртагида мен бир гадоман,
Ёлвориб сўрарман висол – бахтимни.
Асло таслим бўлмас, толмас адоман,
Унутилган қалбга қурдим тахтимни.

Ҳаёт эртагида мен бир савдогар,
Бахтга ошно бўлган, сотаман дардим.
Висол келди дея мен солсам-да жар,
Унинг ўрнига ҳам соғинч тутгум жим...

Ҳаёт эртагида мен бир денгизчи,
Лек унда бир ўзим юраман кезиб.
Қайтмас йўловчимни ҳамон кутганча,
Тешилган кемамда юрибман сузиб!

Ҳаёт эртагида ҳамма йўловчи...

* * *

Неча йилки яшар эди
Тунлар ичра у тинчгина.
Уни бир кун эрк бошлади,
Тонг қўйнига... хаёл – зина!

Боқди, шунда кўзларини
Қамаштирди тонгнинг нури...
"Оҳ, бу – азоб" деди инсон,
Энди ақли ва шуури.

"Бу туришда кўзларимдан
Айриламан, бу керакмас!"
Қайтиб кетди орқасига
Кўзларини асраса, бас!

* * *

Деразадан боқдим дунёга:
Улкан осмон, ажиб манзара.
Деразадан боқдим одамларга ҳам,
Бунда армон тортмасди наъра...

Бунда тўнкарилган осмон кўринмас,
Ёнётган уфққа қўшилмас хаёл!
Деразадан боқиб яшардим шундай,
Мени яшагандай тутарди бу ҳол...

Деразадан боқиб ўйладим, кулдим
Ойнани очмоққа йўқ эди журъат!
Яшаш осон эди боқиб шундайин...
Билсам, бу ойнадай чизилган сурат!

* * *

Келгандайман сени излаб дунёга
Балки туғилмоқни миллион йил кутдим!
Томир отиб борар исминг қалбимда
қўшилиб бормоқда
томирларимга!
Сен деб ўлмоқ учун дунёда борман!..

Сени севиб қолдим – қалбим оғриди...
Сени севиб қолдим – гуллади тақдир!

* * *

Юрагимда бир қиз яшайди,
Дунёга тенг бир сўз яшайди!

Севмай яшаб бўлмас,
Севмай яшамоқ –
Мумкиндир, хаёл – хаёт,
Мен унда йиғлайман...
Сизсиз яшаб бўлмас!
Лекин ўлмайман...

Мен сизни севаман...
Сизни севаман!

Бу сўз – олов!
Оловдан сўнг нима?
Билмайман...

Шоира ШАМС



## ҒАЗАЛЛАР

Тушларимдин бор эрур бир ҳасратим,
Йўқламаслар анда бизни Ҳазратим.

На туну на тушда кўнглимнинг ҳуши,
Ёрсиз нечун керак бул муддатим.

Тундину тушдин етар ором гар,
Ҳазратимдин етса назми суҳбатим.

Суҳбати назм ичра, десам, етмасин
Ҳасратимдин Ҳазратимга туҳматим.

Ҳуснини кўрсам эди тушда, дедим,
Бўлди бир оқшом бутун тун рағбатим.

Тийра зулфи ҳам сурайё кўзлари
Сурати тун бўлди, бўлди ҳайратим.

Шоира, тун бирла тушдин не алам –
Ёрдин жонимга келган ҳайъатим

* * *

Эй хаёл ичра ниҳонлиғ истаған,
Ошиғин бехонумонлиғ истаған.

Лабларин жонбахшиға шайдо қилиб,
Васл учун руҳи равонлиғ истаған.

Ҳажр ила урён этур жонларни, лек
Ишқ аро оромижонлиғ истаған.

Ингротуб ҳар кеча то отгунча тонг,
Заҳм ичинда ошиёнлиғ истаған.

Чекдию муҳри фано тақдирини,
Даҳр аро аҳли омонлиғ истаған.

Тийра отдек секретиб ҳар хомани,
Назми шоҳи хурдадонлиғ истаған.

Шоира, бўл истагин амридаким,
Шоири булбул забонлиғ истаған.

* * *

Ашк эмас, кўзимда тим-тим қон эди,
Чун қарочуғим тўла пайкон эди.

Неча ёғдурса суворий кўзларинг
Новакиға жон кўзим қалқон эди.

Жаҳл қилдинг, деб, "сукутда ҳолатинг",
Ҳар сукутим ичра минг афғон эди.

Бир нафасда кетди жисмимдан кечиб,
Ул вафо билмаснинг оти "жон" эди.

Сўрмагил, Шоира, заъфинг важҳини,
Йиғларингнинг боиси ҳижрон эди

* * *

Ҳар соаткм, жонда тутгаймен Сени,
Ё кўнгул, ё кўзда бутгаймен Сени.

Кипригимданки ясаб ҳар хомани,
Қоғази мардумга битгаймен Сени.

Жисму жоним гўйиё хуш манзилинг,
Чун хароботимда кутгаймен, Сени.

Ҳизр суйидек сиришким ичрасен,
Чашмайи об ўйла, ютгаймен Сени.

Ишқ борки, ўлмагимда маъни бор,
Ишқ йўқ, эй мурда, нетгаймен сени?!

Лаҳза сори ортадур заъфинг, дилим,
Бу кўйи бошингга етгаймен сени.

Бир жунунлик ичра солдингки қулинг,
Ё жаҳон, ёки унутгаймен Сени.

## МИТТИ ҲИКОЯЛАР

### ЙЎҚОТИШ

Ўн икки паҳлавон йигитлардек эдилар. Бир-бирларини доим ҳимоя қилишар, яхшиликни баҳам кўришиб, ёмонликни бир куч бўлиб енгишарди... Инсон ўлим келса чорасиз қолар экан. У шуларни ўйлаб уяли телефонини титкилай бошлади. Дўстини рақамини топди. "Ўчириш" ёзувини белгилади ва "Ҳа" деган тугмани босди. Кўзига ёш келди.

### КЕКСАЛИК

Бекатда ўтирган йигитнинг олдига кекса бир онахон келиб ўтирди. Қўлидаги рўмолча билан пешонасидаги терни артиб, йигитга юзланди.

— Ёшингиз нечида болам.

— Қирик тўртга тўлдим.

— Ҳали навқирон экансиз. Мени ёшим етмиш бешда. Сизга бир гап айтайми? Қаримант!

### ЎЗИМ УЧУН...

— Эй, ўртоқ, сенга сира тушунмайман. Ёшинг бир жойга бориб қолган бўлса. Ҳалигача уй қуриш ташвиши билан юрибсан. Ўзинг учун қачон яшайсан.

— Набирамни жуда яхши кўраман. У ҳам менга суяниб қолган. Шуларга деб, шулар қийналмасин деб қураяпман-да. Ўзим учун эса...

### БИРИНЧИ МАРТА

Ўша пайтлар анча ёш эди. Холаси билан ёлғиз яшарди. Мактабни битириш арафасида холаси омонатини топширди. Шунда кексалар: "Марҳуманинг ҳеч кими йўқ. Уни ҳотирлаб туриш энди шу йигитни зиммасида", дейишди. Йигит ҳар йили холаси ўтган кунда дастурхон ёзиб, яқинларига эҳсон қилиб турди. Қирқ икки йил деганда биринчи марта бу удумни хаёлидан чиқарди... Набирасининг қўлидан тутиб, қабристон томон йўлга тушди.

### НИЯТ

Қишнинг чилласи. Ташқарида кўкдан қор парчалари ўйноқлаб заминга қўнмоқда. Соч-соқоли қордек оппоқ, тўқсон ёшлар чамасидаги нуроний отахон ётган жойида деразадан ташқарига қаради. Кўнглидан нималардир ўтди. Лаблари пичирлаб, қиш ўлдирма ёз ўлдир, оч ўлдирма тўқ ўлдир деб қайта-қайта такрорлади. Тонгга яқин қария омонатини топширди. Пешинда кун эрта баҳордаги каби илиб қорлар эриб, тарнов ва бўғотлардан шовуллаб сув оқди. Жаноза тугагач кечга томон ҳаво бирдан ўзгарди ва қор ёғиб кун қаттиқ совиб кетди.

### ЭСКИ МАТОҲ

— Онажон отам қанилар, яна ўша шалақ араваларини устага олиб кетдиларми? Манави янги машинани олиб берган бўлсам, мазза қилиб миниб юрмайдиларми.

— Ёшлик пайтларингда ўша шалақ арава сенлар учун энг азиз эканлиги эсингдан чиқдим болам, — деди она кўча томон юзланиб.

### ХОТИРА

Замон ўзгарди, дунёқараш ўзгарди. Янги уйлар, янги йўллар барпо бўлди. Ҳамма қатори унга ҳам янги уй берилди. Мана, юк машинага рўзғор буюмлари ҳам жойлаштирилди. Бульдозернинг бир ҳамласи билан уй тутдай тўкилди, чанг осмонга кўтарилди. Қариянинг кўзлари ёшланди.

### ЎШАЛ ДАМЛАР

Ҳовлига карнай-сурнай садолари остида келин ва куёв кириб келишди. Уйнинг фариштлари чол ва кампирга яқинлашишди. Дуога қўл очилди. Сўнг ёшлар ичкарига киришди. Чол билан кампир бир-бирларининг ажин тушган юзларига термилиб ўша дамларни эслашди.

Асрор СУЛАЙМОНОВ

# ИСТИҚЛОЛ – БОШ ҒОЯМИЗ, БОШ МАФКУРАМИЗДИР

*Академик Наим Каримов билан суҳбат*



**– Бугун дунё, жамиятимиз, айтиш мумкинки, ҳар куни янгиланмоқда. Давр тараққиёти ғоят шиддатли кечмоқда. Бугунги юртдошимиз шу суръат билан ҳамқадам боряпти, дея оласизми? Инсон тараққиётга мослашишга улгуряптими?**

– Мен умрим давомида турли даврларни кўрдим, лекин ҳозиргидек яшин тезлигида ўзгариб бораётган даврни нафақат мен, балки юз ёшдан ошган юртдошларимиз ҳам кўрмаган бўлсалар керак. Тўғри, XX асрнинг ўттизинчи йилларидаги бешйилликлар даврида тарихий вазият халқ ва мамлакат олдига шундай муҳим вазифаларни қўйган эдики, агар саноат, қишлоқ хўжалиги, маърифат ва маданият беш-ўн йил оралиғида олдингига қараганда йигирма-ўттиз баробар тезроқ ва кўпроқ тараққий этмаса, шўро давлатининг ривожланган хорижий давлатларга ем бўлиши ҳеч гап эмас эди. Шунинг учун ҳам бешйилликлар даврида юқорида тилга олинган соҳалар, кутилмаганда, яшин тезлигида ривожланиб кетди. Ҳатто шу йилларда Ойбекдек реалист шоирлар барпо этилаётган саноат гигантларини кўриб, "Асрлар ишини йилимиз қилар", деб ҳайратга тушдилар.

Бугун мамлакатимизда рўй бераётган улкан воқеалар, истасак-истамасак, ўттизинчи йиллардаги юксалишни ёдга туширади. Лекин бугун биз XX асрнинг ўттизинчи йилларидаги стахановчиларнинг меҳнат фронтида эришган ютуқлари замирида "ҳашарчилар"нинг ҳам, "карнайчилар"нинг ҳам ҳиссалари оз бўлмаганини яхши биламиз.

**– Аммо Ўзбекистонимизнинг бугунги тараққиётини, бугунги бунёдкорлик кўламини ҳеч бир тарих билан қиёслаб бўлмайди...**

– Албатта. Хусусан, аҳолининг турли қатламлари учун қурилаётган уй-жойларни, шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод ва кўркам бўлиб бораётганини, илм-фан, маданият, санъат, адабиётга давлатимизнинг катта эътибор қаратаётганини айтинг... Муҳтарам Президентимизнинг Учинчи Ренессанс ғояси, ҳеч шубҳасиз, халқимиз қатъий интиладиган йўлчи маёқ бўлди...

Ҳозир мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар шундай суръат билан олиб борилмоқдаки, юртдошларимизнинг бу темпга, бу суръатга мослашиши осон эмас.

**– Айтинг-чи, замон манзаралари ва замондошимиз қиёфаси адибларимиз асарларида қай даражада акс этмоқда?**

– Шўролар даври ўзбек адабиётида бадиий очерк миллий адабиётимизнинг энг пешқадам жанрига айланган ва Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов сингари атоқли ёзувчилар шу жанрда ҳам самарали ижод қилиб, илғор замондошларимиз образларини яратган эдилар. Бугунги ҳаёт ана шу жангавор ва оператив жанрга янги нафас беришни тақозо этмоқда. Афсуски, бу жанрнинг бўлажак қаҳрамонлар ҳаётини муайян вақт мобайнида турли ракурслардан туриб кузатиш лозим, деган талаби ёш ёзувчи ва публицистларни чўчитаётган кўринади. Натижада шундай вазият пайдо бўлдики, биз: "Ҳозирги давр қаҳрамонлари кимлар?" деган саволга жавоб беришда қийналиб қоламиз. Ҳолбуки, ёзнинг жазирама, қишнинг аёзли кунларида ҳам осмонўпар биноларни бунёд этаётган бинокорларни, мураккаб шароитда бозорларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдираётган чорвадор, деҳқон ва фермерларни, мамлакатимиз ва хориждаги олий ўқув юртларида нафақат инглиз, немис ва француз, балки япон, хитой, корейс, ҳолланд, сенегал сингари ота-боболаримизнинг тушларига ҳам кирмаган тилларда ўқиб, илм-фан ва техниканинг янги соҳалари бўйича мутахассис бўлиб келаётган ёшларимизнинг, ёш авлодни ватанпарварлик, маърифатпарварлик, тараққийпарварлик руҳида сабот билан тарбиялаган устозлар-у, ота-оналарнинг ҳозирги давр қаҳрамонлари сифатидаги образларини яратмасак, кимнинг образини яратиб, халқни улардан ибрат олишга чақирамиз?

**– Сиз шўролар даврида тақиқланган кўплаб архив материалларини чуқур ўргангансиз. Шу жараёнда ўзингиз кутган ва кутмаган қандай фавқулодда факт ва далилларга дуч келдингиз?**

– Шўролар даврида большевиклар давлатига нисбатан мойиллиги шубҳа уйғотган барча кишилар яширин равишда кузатилган. Кўпинча бу иш кузатилаётган кишини қамоққа олиш, отиб ташлаш ёки ўн, йигирма, йигирма беш йиллик жазо муддатларини ўташ учун Россиянинг совуқ ва борса келмас ҳудудларига сургун қилиш билан якунланган. Мана шу мудҳиш жараённинг ҳамма босқичи, айниқса, тергов пайтидаги савол-жавоблар қайд қилиб борилган.

Камина 1929-1930, 1937-1938, 1951-1952 йиллардаги қатағонга оид юзлаб жиноий-архив ишларни кўриб чиққан одам сифатида шуни айтишим кераккки, маҳбусларга қўйилган "миллатчи", "аксилинқилобчи", "шўро давлати раҳбарлари обрўсини тушириш" сингари айбларнинг тўқсон фоизи туҳматдан иборат бўлган. Булар далилланмаган айблар бўлгани сабабли терговчилар шу айбларни асословчи фактларни маҳбусларнинг ўзларидан олишган. Аммо ким ўзига ўзи ё софдил қўшниси, ёки хизматдошига қарши туҳматдан иборат материал беради? Ҳеч ким. Буни НКВД жаллодлари жуда яхши билишган. Шунинг учун улар маҳбусларга ухлаш имконини бермай, кечани кеча, кундузни кундуз демай сўроқ қилишган; ҳушидан кетгунича икки кишилашиб калтаклашган; оёқлари шишиб юролмай қолгунларига қадар ўн кунлаб тик турғизиб қўйишган. Аммо инсон зоти чидай олмаган қийноқларга дош берган кишилар ҳам бўлганки, қани энди улар оёқлари гардини кўзимизга суртсак...

Каминани ларзага келтирган фавқулодда факт менга архив ҳужжатлари орқалигина эмас, хотиралар орқали ҳам етиб келган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида "Туркистон легиони"да хизмат қилган Боймирза Ҳайит деганюртдошимизнинг айтишига қараганда, легионда Чўлпоннинг сўнгги куни, сўнгги соатини кўрган бир киши бўлган. 1937-1938 йилларда НКВД тизимида хизмат қилган бу киши фалакнинг гардиши билан дастлаб Қизил Армиянинг "штрафной батальон"ига, кейин эса бошқа асирлар билан бирга "легион"га тушиб қолган экан. Шу "ҳожи ака"нинг айтишича, 1938 йил 4 октябрда НКВДнинг Юнусобод туманидаги қатлгоҳларидан бирида Чўлпонни отиши керак бўлган аскарнинг қўли титраб, ўқ улуғ ўзбек шоирининг кўксига тегмаган. Фалакнинг одиллигини қарангки, ҳатто НКВД жаллоди ҳам заҳарли ўқи билан буюк шоир ва инсонни ўлдира олмаган экан. Шунда Чўлпон ҳайқириб: "Мени ўлдирларинг! Ўлдирларинг!! Мен сенлар билан бир мамлакатда яшашни хоҳламайман! Ўлдирларинг, қонхўр давлатнинг қонхўр жаллодлари!!!" деб бақирган. Чўлпоннинг сўнгги сўзларидан ғазабланган аскарлардан бири ўзидан бироз нарида ётган болтани олиб, бир зарб билан улуғ шоирни ўлдирган экан...

Афсуски, тарих қатларида кишини ларзага соладиган бундай даҳшатли ҳодисалар оз эмас...

**– Илмий-ижодий фаолияти давомида шўролар даврида аёвсиз қатағон қилинган шоир ва ёзувчилар, олим ва санъаткорлар ҳаёти ва фаолияти юзасидан изчил тадқиқотлар олиб борган олим сифатида айтинг-чи, бу илмий манба бугунги кун учун қандай хулосалар беради?**

– Биринчи навбатда "бу илмий манба"нинг аҳамияти ҳақида гапирсам. Аввало шуки, ҳар бир миллий адабиёт ва санъатнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи бўлади. Ўзбек адабиёти ва саънатининг XX асрдаги тарихи эса "Аср бошларидаги миллий уйғониш (жадид) даври адабиёти", "Ижтимоий-мафкуравий ўзгаришлар даври адабиёти (1920-30 йиллар)", "Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги шахсга сиғинишнинг фош этилиш даври адабиёти (1950-60 йиллар)", "Шўро даври инқирози ва мустақиллик даври адабиёти (1970-90 йиллар)" сингари бўлимлардан иборат. Қатағон қурбонлари бўлган ёзувчилар ижодини ўрганмай туриб, бу адабий манзарани, эришилган бадиий ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш мумкин эмас. Қолаверса, ўзбек адабиётининг шу даврларда ижод қилган Ойбек, Ғафур Ғулом сингари пешқадам арбоблари билан бирга Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Шайхзода сингари ёзувчилар ижодини, уларнинг XX аср ўзбек адабиёти тараққиётига қўшган ҳиссаларини монографик миқёсда ўрганмасдан туриб, бу давр адабиёти тарихини яратиш мумкин эмас.

Энди "хулоса"ларга келсак. XX аср ўзбек адабиётининг Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Шайхзода сингари намояндаларининг қатағон этилиши билан Фитратнинг мустамлакачилик ва диний мутаассибликка қарши кураш руҳи билан суғорилган асарлари, Қодирийнинг тарихий мавзудаги гениал романлари, Шайхзоданинг мўғул мустамлакачилигига қарши курашган Жалолиддин Мангуберди ёки буюк давлат ва фан арбоби Мирзо Улуғбек ҳақидаги трагедиялари, Александр Пушкин ва Владимир Маяковскийдан қилган таржималарини XX асрнинг эллигинчи-тўқсонинчи йилларида туғилган авлод ўқимаган, шу асарларда тасвирланган тарихий шахс ва воқеалардан бехабар қолган, шу асарлардаги ўзбек тилининг бойлиги ва рангинлигидан мутаассир бўлмаган бўларди.

Бу – биринчи хулоса.

Ўзбек шоир ва ёзувчиларининг бу ёки бошқа асарлари ўрнига бошқа халқлар адабиётидан ўзбек тилига қилинган таржималарни ўқиш ёш адабиёт мухлисларида миллий руҳнинг сусайиши, ватанпарварлик кайфиятининг хиралашишига хизмат қилган бўларди.

Бу – иккинчи хулоса.

Ўзбек ёзувчилари совет давлатининг қатағон қопқонига илинмаслик учун партияни, рус халқини, пахтани, интернационализм ғояларини куйлашдан, пьеса, роман, қисса, достон сингари катта ва кичик жанрларда коммунист образини яратишдан ташқари, муҳим, теша тегмаган мавзуларда сийқа асарларни ёзишдан бошқа жиддий, миллий, тарихий аҳамиятга молик асарларни ёзишмаган бўларди.

Бу – учинчи хулоса.

Бу уч хулоса яна бир хулосани келтириб чиқаради. У эса шундан иборатки, агар санъатшунос ва адабиётшунослар қатағон қурбонлари бўлган ёзувчилар ва уларнинг ўзбек халқи тарихига, шу тарих саҳифаларида яшаётган улуғ сиймолар ва улар фаолиятига бағишланган, мустақиллик, ватанпарварлик маърифатпарварлик, тараққийпарварлик ғоялари билан суғорилган асарларини ўрганишмаса ва шу ижодий йўналиш ўзбек адабиёти ёки санъатининг кейинги тараққиёт тамойилларини белгиламаса, ўзбек адабиёти оммавий адабиётга, енгил-елпи адабиётга, бугунги жамиятнинг такасалтанг вакилларигагина хизмат қиладиган адабиётга айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

**– Айтинг-чи, ҳозирги кунда жадидлар меросини, ғоясини ўрганиш нима учун керак?**

– Жадидлар Туркистон тарихининг адолат ва маърифат эмас, жаҳолат ва разолат ҳукмронлик қилган бир даврида дунёга келиб, бой билимлари ва маънавий оламларининг ёғдуси билан халқ ва мамлакатни қуршаган зулматни парчалаб ташламоқчи бўлганлар. Улар назарида, бу зулматнинг авж олишига сабаб мактаб ва маориф тизимининг янги тарихий давр талабларига мутлақо жавоб бермаслиги эди. Шунинг учун ҳам улар янги усул мактабларини барпо этиб, бу мактабларда фақат диний дарсларни эмас, балки дунёвий фанларни ҳам чуқур ўқитиш, фақат ўзбек ёки ўзбек ва тожик тилларини эмас, балки рус, шунингдек, немис, француз ёки инглиз тили каби бирорта хорижий тилни ўрганиш лозим, деган ғоя билан чиқдилар. Беҳбудий шу ғояни "Икки эмас, тўрт тил" деган мақоласида илк бор кўтарибгина қолмай, уни ўз мактабида жорий ҳам этди. Жадидлар халқ ва мамлакатни ривожлантириш, халқ ва мамлакат оёқларидаги мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлаш ва эркинликка эришиш учун ёшларни асосан дунёвий ва қисман диний фанлар ривожланган мамлакатларга ўқишга юборишни лозим, деб топдилар. Бу икки муҳим масаладан ташқари, бир томондан, халқнинг оғир моддий шароитда турмуш кечираётганини, иккинчи томондан, мутаассиб руҳонийлар таъсирида ва эскирган урф-одатлар ботқоғида яшаётганлигидан иборат иккита муҳим масала бор эдики, уларга қарши курашмасдан туриб, юқорида айтилган икки ғояни рўёбга чиқариш иложсиз эди. Бу икки масалага қарши курашда санъат ва адабиёт ёрдам бериши мумкин эди. Жадид драматургияси ва театрининг "Падаркуш", "Тўй", "Кўкнори", "Мазлума хотин", "Бахтсиз куёв", "Жувонмарг" сингари асарлари ана шу масалаларга қарши курашда қудратли қурол вазифасини бажарди. Халқни мактаб ва маърифатга муҳаббат руҳида тарбияловчи жадид шеърияти, ҳаётдаги ва кишилар онгидаги иллатларни куйдириб ташловчи жадид юмори пайдо бўлди. Энди ўйлаб кўринг. Фан ва техника, маориф ва маданият доим ривожланиб, янги-янги кашфиётлар, ғоялар, лойиҳалар пайдо бўлиб туради. Куни кеча ўз кашфиётининг кайфи билан юрган кишилар янги кашфиётларнинг ҳаётга кириб келишига қаршилик кўрсатадилар. Хуллас, жадидларнинг доим янгиликни излаш ва топиш туйғулари авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади. Ҳар бир янги авлод сафида шундай кишилар туғилади ва камолга етадики, улар худди жадидлардек фан ва техника, адабиёт ва санъат оламини янги ғоялар билан мунаввар этиб турадилар.

Жадидлар ва жадидчилик асло ўлмайди!

Энди уларнинг меросларига келсак. Жадидлар меросида "Ватан" тушунчаси ғоят кенг ёйилган. Ҳар бир жадид тилидан шакар билан чиққан сўз – "Ватан"дир. Келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг ёш йигит-қизлари ватанпарварлик туйғусини, Ватанга фидолик саодатини жадидлардан ўрганишса, ижтимоий фаолликда улардан улги олишса, хато бўлмайди, деб ўйлайман. Масалан, улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний "Ватан" тушунчасини талқин этаркан, жумладан, шундай ёзади: "Ҳар бир кишининг туғулуб ўскан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан – уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳатда яшамаса, маишати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати турар".

Мактаб ва маорифнинг аҳамияти тўғрисидаги Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қуйидаги сўзлари ҳам ўз қимматини йўқотмаган: "Барчамизга офтоб каби равшан ва аёндирки, макотиб тараққийнинг бошлағичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур. Ҳар миллат энг аввал макотиби ибтидоийсин замонча ислоҳ этуб кўпайтирмагунча, тараққий йўлига кируб, маданиятдан фойдаланмас. Маданияти ҳозирдан маҳрум қолуб, саноеъ ва маорифи ила қуролланмаган миллат эса, дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмас".

Доим келажак ташвиши билан яшаган Абдурауф Фитратнинг бисоти эса қуйидагидек ҳикматлар билан тўла: "Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир. Лекин ана шу қурол ва аслаҳамиз синиб, занг босиб чириб кетган. Шундай қуроллар билан бу дунёда бизга на саодат ва на роҳат бор. Агар саодат, иззат, осойишталик, роҳат, шараф, номус ва эътибор керак бўлса, тезроқ авлод тарбияси усулларини билиб олиб, болаларимизни шу усул ва қоидалар асосида тарбия этишимиз лозим".

Шундай олижаноб мақсадлар билан яшаган, мамлакат ва унинг фарзандлари тақдири билан куюнган жадидлар бир-биридан юксак фикрларни айтиш билангина кифояланмай, шу фикрлар балқиб турган санъат ва адабиёт асарларини ҳам яратганларки, улар мероси ва ғоялари билан қизиқмаслик сўқирлик бўлурди.

Ўтган асрнинг бошларида юртимизда туғилган жадидлар ғояси улкан илмий-ижодий манба бўлиб, бугун ҳам, келгусида ҳам халқимизнинг маънавиятини, маданиятини юксалтириш, ёшларимиз ўртасида ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, жаҳон тамаддуни билан ҳамқадам бориш учун беминнат хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир чиқишида жадидлар меросига мурожаат қилмоқда, бу бежиз эмас, албатта.

**– Нима деб ҳисоблайсиз, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Мақсуд Шайхзода... каби гигантларнинг ижодини яхлит ўрганиш керакми ёки замонларга ажратибми?**

– Бу гигантлардан бир қисмининг ижоди яхши ўрганилган. Улар ҳақида қатор монографиялар, рисолалар, мақолалар ва диссертациялар ёзилган. Лекин замонлар ўзгариши, бир мафкуранинг сўниб, иккинчи мафкуранинг жамол кўрсатиши билан бу адиблар ижоди улар яшаган даврнинг мафкуравий зиддиятларидан холи эмаслиги маълум бўлган. Шу маънода адабиётшуносликдан улар ижодининг биз учун аҳамиятли томонларини чуқур ўрганиш билан бирга улар йўл қўйган хато ва камчиликларга ҳам эътибор қаратиш ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини очиб бериш талаб этилади. Бу масала, менингча, яратилиши лозим бўлган "XX аср ўзбек адабиёти тарихи" сингари фундаментал тадқиқотлар олдида турган муҳим вазифадир.

**– Сизнингча, ўтган XX аср адабиётимиз учун қандай сабоқ қолдирди?**

– XX аср адабиётининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши, бир томондан, чор, иккинчи томондан, шўро мустамлакачилиги даврларига тўғри келди. Ҳар икки мустамлакачи давлат, бир томондан, шу давр ўзбек адабиётининг майдонга келиши ва шаклланишини қаттиқ назорат остига олди, иккинчи томондан, бири ўзбек адабиётининг Крилов, Гоголь ва Толстойнинг беозор асарлари таъсирида, иккинчиси эса, Шагинян, Катаев, Серафимович, Островский, Фадеев сингари коммунист ёзувчилар таъсирида шаклланишига алоҳида эътибор берди. Ҳатто шу методнинг қолипига тушмаган асарлар ва уларнинг муаллифларини зуғумга олди. Натижада ўзбек адабиёти миллий қиёфасини йўқотган "совет адабиёти"нинг таркибий қисми сифатида "ривожланди". Шу даврда тарихий мавзу, миллий қаҳрамон, миллий адабий тил сингари ҳар қандай адабиётни ушлаб турувчи уч муҳим компонентнинг ёқут қирралари билан товланишига имкон берилмади.

СССР деган қудратли салтанатнинг парчаланиши ва Ўзбекистоннинг том маънода мустақил давлат, ўзбек адабиёти ва санъатининг эса том маънода миллий адабиёт ва санъат мақомига эга бўлиши ёзувчилардан ҳам, санъаткорлардан ҳам рус, француз, инглиз, немис ёхуд турк адабиёти ва санъатининг таъсир доирасига тушиб қолмасликни талаб этади. Бизнинг бой тарихимиз бор. Бизнинг жаҳон илмий ва бадиий тафаккури тарихига катта ҳисса қўшган олимларимиз бор. XX асрда ҳам шундай улуғ сиймолар етишиб чиқдики, улар ҳақида романлар ёзилиши, саҳна асарлари ва кинофильмлар яратилиши ўзбек халқининг жаҳон маданияти тарихига катта ҳисса қўшган халқ сифатидаги образининг тикланишига ёрдам беради.

**– Сиз икки асрнинг адабий муҳитидан баҳраманд бўлган ва уни чуқур ўргангансиз. Ҳозирги адабий муҳит билан XX асрнинг иккинчи ярмидаги адабий кайфиятни солиштирганда қандай муҳим фарқларни ажратиб кўрсатиш мумкин?**

– XX асрнинг иккинчи ярмидаги китобхон фаол китобхон эди. Бу китобхон Миртемир, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари шоир ва ёзувчиларнигина эмас, уларга замондош бўлган бошқа ёзувчиларнинг ижодларини ҳам диққат билан кузатган. Уларнинг қарийб ҳар бир асарини ўзбек адабиётидаги воқеа сифатида қабул қилган. Рауф Парфининг матбуотдаги ҳар бир чиқишини эса байрам сифатида қабул қилган. Жуда яхши эслайман, Ўткир Ҳошимов қиссаларини қизғин муҳокама қилмаган ёшлар давраси бўлмаган. Одил Ёқубов ёки Пиримқул Қодиров матбуотда кўринмай қолгудек бўлса, уларга хат ёзиб, янги роман устида ишлаётганини билмагунига қадар безовта бўлаверган. Шеърий тўпламлар камида ўн минг, романлар эса камида икки юз минг нусхада нашр этилган ўшанда. Бу нафақат ўзбек ёзувчиларининг, балки умумўзбек адабиётининг ҳам энг саодатли даври эди.

Ҳар бир даврнинг ўз адабий об-ҳавоси бўлади. Ҳозирги адабий муҳит, қайсидир даражада, хусусан, оммавийлик борасида ўша даврнинг соясидан чиқолмай турибди. Бу ўринда мен кимнидир ёки кимларнидир айбламоқчи эмасман. Асло. Ҳозир давр, замон шундай, зотан, адабиёт масаласида бутун дунёда шундай ёки шунга яқин ҳолатни кузатиш мумкин. Нима қиламизки, бу давр билан, даврнинг, давр одамларининг талаб ва эҳтиёжлари билан боғлиқ. Агар Хуршид Дўстмуҳаммад Скиф ҳақидаги романини ўша йилларда ёзганида бу роман неча марта қайта нашр этилган, китобхонлар муаллифни учрашуву мулоқотларга таклиф этавериб, уни тинчитмаган бўлишарди. Эркин Аъзамнинг гўзал, ўзбекона тил билан ёзилган қисса ва ҳикоялари асосида қатор саҳна асарлари, кино- ва телефильмлар яратилган бўларди.

Бугун адабиётнинг ашаддий шайдоси бўлган ўшандай эҳтиросли китобхоннинг озлиги ўзбек адабиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмаяпти. Ҳатто ҳар куни бўлмаса ҳам, ҳар ойда битта қисса, ҳар йили биттадан роман ёзаётган Исажон Султон ҳам ўз қувонч ва ташвишларига ўралашиб қолган ўша китобхонни сергаклантиролмаяпти. Инкор этиб бўлмас бир ҳақиқат мавжуд: адабиёт деган мўъжиза уйғоқ китобхонлари бор муҳитда гуллаб-яшнайди, бир-биридан ширин, бир-биридан тансиқ мева – асар беради.

**– Яқин ва узоқ келажакда дунё адабиёти ва миллий адабиётимизда қандай тенденциялар, услуб ёки методлар етакчилик қилади, деб ўйлайсиз?**

– Бу саволга бирорта фолбин жавоб бермаса, каминадек осмонга қараса, кўзи тиниб кетадиган адабиётшуносга йўл бўлсин...

**– Ҳар ҳолда, кечаги ва бугунги адабий "ҳосил"ни чамалаб, қандай "хирмон" кўтарилишини ёки кеча ва бугун ривожланаётган ниҳол эртага қандай фазага киришини тахмин қилиш, мутахассис сифатида бор нарсага ташхис қўйиш мумкин-ку...**

– ...Ҳар ҳолда, яқин келажакда миллий адабиётимизда бирорта янги тенденция-ю, услубнинг яққол етакчилик қилишига кўзим етмайди. Шоиру ёзувчиларимиз XX асрнинг иккинчи ярмида адабиётимиз дарвозасини шу қадар кенг очиб қўйдиларки, бирорта тенденция ёки бирорта услуб кўчада довдираб ё ҳувуллаб қолмади.

Бир нарса аниқ: назм ва наср елкама-елка боради, балки назм бир-икки одим илгарироқ юрар... Мустақиллигимизнинг ўттиз йилида ўзбек насри янада кучайди, бақувватлашди. XX аср ўзбек насрининг энг илғор анъаналари XXI юзйилликдаги бадиий асарларда давом эттирилмоқда ва бойитилмоқда. Тоғай Мурод, Омон Мухтор, Хуршид Дўстмуҳаммад, Эркин Аъзам, Хайриддин Султон, Назар Эшонқул, Собир Ўнар, Абдуқаюм Йўлдош, Исажон Султон, Луқмон Бўрихон, Улуғбек Ҳамдам, Шодиқул Ҳамро, Баҳодир Қобул, Жавлон Жовлиев каби услуби ва бадиий фикрлаш тарзи бир-бирига ўхшаган ва ўхшамаган забардаст ёзувчилар плеядаси ўзбек насри уфқларини кенгайтириб юборди.

Келгусида қандай адабий тенденция ва услублар етакчилик қилиши адабиётга қандай адибларнинг кириб келиши, уларнинг қайси адабий-бадиий мактабларнинг таълимини олгани, нимани кўзлаши ҳамда ўз олдига қўйган адабий мақсадига боғлиқ. Мавжуд мезон ва қолипларни Истеъдод ва яна бир бор Истеъдод ўзгартиради ва ўзининг йўли ва йўналишини яратади.

**– Замон, давр адабиётни бошқаради, деб ўйлайсизми?**

– Адабиётни ҳар бир даврнинг бош ғояси бошқаради. XX аср аввалидаги бош ғоя халқни маърифатли қилиш, халқ онгининг ўсишига тўсқинлик қилаётган урф-одатларга қарши курашиш, халқни тараққиёт хиёбонига олиб чиқиш эди. Жадид адабиёти даврнинг шу талабини даврнинг бош ғояси сифатида қабул қилди ва шу ғоя жадид адабиётини бошқарди. XX асрнинг йигирманчи-ўттизинчи йилларида ҳам шу давр ғоялари адабиётга раҳнамолик қилди. Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда эса адабиётга кимнинг раҳнамолик қилгани ҳеч кимга сир эмас.

Шўролар давлатининг 1917 йилдан тўқсонинчи йилларгача амалга оширган ишлари ҳар бир республика халқининг миллий манфаатларига қарши ишлар бўлгани, собиқ марказ томонидан миллий кадрларнинг қириб ташланганi, ўн бешта республикадан бири – Ўзбекистоннинг ер ости ва ер усти бойликлари узлуксиз ташиб кетилганига қарамасдан, ўзбек халқини бадном этувчи "пахта иши", "ўзбек иши" каби кампанияларнинг амалга оширилиши мустақиллик учун, эрк ва ҳуррият учун кураш ғоясини уйғотди. Ва шу ғоя XX асрнинг сўнгги ўнйиллигида даврнинг асосий ғояси бўлиб хизмат қилди. Мазкур давр адабиёти шу байроқ остида ривожланди. Большевиклар барпо этган империянинг чок-чокидан сўкилиб, тарих ахлатхонасига итқитилишида адабиётнинг роли ва ўрни ғоят катта бўлди.

**– Нега биз мустақилликдан ўттиз йил ўтиб ҳам миллат ёзуви борасида, турли идораларда давлат тилининг қўлланиши ва мавқеи масаласида бир томонга қатъий ўтишимиз қийин кечди ва кечмоқда? Нима, жудаям узоқни кўзлаяпмизми ёки узоқни кўролмаяпмизми?**

– Инсон ҳаётининг бахтли-саодатли кунлари кутилмаган соатда, кутилмаган дақиқада келади. Мустақилликнинг ҳам кутилмаган соат, кутилмаган дақиқада рўй бериши халқни ҳам, мамлакат раҳбарларини ҳам эсанкиратиб қўйди. Ўшанда коммунистлар партиясининг раҳбарлигисиз, рус халқига эса тонгги таъзимсиз ҳаётни ҳаёт деб билмаган кишилар жамиятнинг бир қутбини ташкил этган бўлсалар, жамиятнинг иккинчи қутбини Ўзбекистонда исломнинг асосий мафкура бўлишини орзу қилган кишилар эгаллаб олдилар. Янги тарихий даврнинг энг муҳим масалалари мустақилликка мутлақо алоқаси бўлмаган унсурлар қўлида қолди. Халқ ёзувининг тақдири ҳам улар ихтиёрига ўтди. Мустақиллик даврида халқнинг кирилл ёзувидан араб ёзувига ўтиши мумкинлиги ислом тарафдорлари учун айни муддао эди. Халқ араб ёзувини тезроқ ўрганиши учун улар газеталарда махсус рукнларни, жойларда эса тўгаракларни ташкил этдилар, ҳатто ўқув қўлланмалари ва дарсликлар ҳам ярата бошладилар. XX асрнинг ўттизинчи йилларидан бошлаб аср охирига қадар эл-юртимизга ҳалол хизмат қилган кирилл алифбосига, ўзбек тилининг барча фонетик хусусиятларини инобатга олган ҳолда шаклланганига қарамасдан, босқинчи халқнинг ёзуви сифатида муносабат қилинди. Хуллас, синфий генезиси аниқ бўлмаган лотин ёзувига ўтишга қарор қилинди. Аммо бу даврда техник тараққиёт жамият ҳаётининг барча соҳаларини ўз тасарруфига олаётган, Германия, Англия ва бошқа илғор мамакатларда ишлаб чиқилган ёзув машинкалари ўз ўрнини компьютерларга бўшатиб бераётган эди. Европа халқлари ёзувининг график белгилари инобатга олинган бу компьютерлар рус тилининг барча инжиқликларига дош берди. Собиқ СССРдаги қарийб барча халқлар компьютерларга ўз ёзувларидаги зарур белгиларни ўрнатиб, муаммоларини осонгина ҳал қилдилар. Аммо бизнинг тилшуносларимиз узоқ-узоқларни кўрадиган олимлар эмасми, бошқа соҳа вакиллари компьютерларни ўзбек ёзувига мослаштиришнинг қандай йўллари борлигини айтмасинлар, улар доим "ҳай-ҳай"лаб туришди. "Ҳай-ҳай, бу оддий қути эмас, буни "компьютер" дейишади. Бунга бошқа клавиш ўрнатиш мумкин эмас! Буни "сканер" дейишади. Бу компьютердан ҳам нозик нарса. Бунинг яқинига келиш ҳам хавфли... Эшитмадингизми, нариги қишлоқдаги бир бола ёниб кетипти!.."

"Унда нима қиламиз? Қадимги машинкалардан битта-яримтаси қолган бўлса, ўшандан фойдаланайлик. Тузатишларни қабул қилмаса, қабул қилмасин, ёниб кетмаймиз-у!"

Бизнинг тилшуносларимиз ана шунақа, эҳтиёткор, инсонпарвар, меҳридарё кишилар!..

Кечирасиз-у, бу аччиқ гапларни юрагим ачишганидан айтмоқдаман.

**– Халқимизда етти ўлчаб бир кесган маъқул, деган гап бор...**

– Бу айни ҳақиқат.

Улар билмасин, қулоғингизга бир гапни айтиб қўяй. Яқинда қайсидир билим юртининг уч нафар талабаси ўзбек имлосидаги барча ҳарфлару вергул-пергулларга ўхшаган белгилари бўлган компьютерни ҳам, сканерни ҳам ўйлаб топишибди. Тилшуносларга бир кўрсатиб олайлик, дейишса, оёқ тираб турган эмишлар...

Ҳа, булар ҳазил гаплар. Аммо тилшуносларимизнинг ўзгараётган тезкор даврдан ортда қолганлари аниқ. Улар ҳанузгача Алишер Навоий ва Абдулла Қодирий тилини рус тилининг қонун-қоидалари асосида ўрганишда давом этмоқдалар. Ўзгараётган даврда ўзбек тилининг луғат бойлигида, услубий жилоларида қандай ўзгаришлар бўлди? Ўзбек тилига қандай янги – араб, форс, турк, инглиз сўзлари кириб келди-ю, қандай сўзлар луғат фондидан чиқиб кетди ва чиқиб кетмоқда?..

Бундай амалий масалалар билан шуғулланиш тилшунос олимлар олдида турган муҳим масалалардан бири эмасми?

**– Ҳаётимизда долзарб бўлиб турган алифбо ва она тилимизнинг таъсир доираси каби ўткир ва нозик масалалар хусусида гапирганингизда уларни миллатнинг бир фидойи олими сифатида юрак-юракдан ўтказганингиз куйиб-пишиб сўзлаганингиздан яққол сезилиб турибди...**

– Миллатимиз, Ватанимиз, авлодлар келажаги ва тақдирига бевосита дахлдор масалалар ҳақида бошқача сўзлаш мумкинми?!.

Таҳририят каминага тақдим этган имкондан фойдаланиб, барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги билан табриклайман. Истиқлол – бизнинг бош ғоямиз, бош мафкурамиздир. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**Салим АШУР суҳбатлашди**

ОЛАМ СИРЛАРИ

# КОИНОТ ИЧРА ИНСОН



Масофа билан тезликнинг "қўшилган" ўлчов бирлиги – "Ёруғлик йили" деган тушунча бор. Бу ёруғлик бир йил ичида босиб ўтувчи масофани англатади. Бир сонияда 300 минг километр масофани босиб ўтувчи ёруғлик коинотдаги энг катта тезлик сифатида тан олинган.

Қуёш нури Ерга 8 дақиқада етиб келади. Оралиқ масофа – 150 миллион километр. Ёруғлик нури чексиз коинотнинг аллақайси бурчакларидан минг йиллаб "йўл босиб", бизгача етиб келади. Ҳатто кўриниб турган айрим ёрқин юлдузлар аллақачон сўнган, лекин нури эндигина етиб келган бўлиши ҳам мумкин.

"Ёруғлик йили"дан каттароқ тезлик борми-йўқми? Масалан, инсонга ато этилган "ўй-хаёл тезлиги"ни олайлик: ёруғлик етиб бориши учун минг, миллион йиллар керак бўлган масофадаги сайёраларни бир сониядаёқ... хаёлан тасаввур этишимиз, ўша жойларда "пайдо" бўлишимиз мумкин! Демак, хаёл – ёруғликдан ҳам тезроқ.

Келинг, хаёлан коинот бўйлаб "сафар" қилайлик-чи, қаергача борарканмиз?

Инсоннинг улуғлиги – унинг фикрлаш қобилиятидадир. Тафаккур туфайли биз юксакликка кўтарилишимиз мумкин. Маълумки, оламнинг на боши ва на охири мавжуд – бепоён чексизлик. Чексизликни бутун маҳобати билан "қамраб" тасаввур қилиш эса инсон ақли учун ниҳоятда мушкул ишдир. Шунга қарамасдан, бугунги кунда Ер ва коинот сирларининг анча-мунчасини англаб етганимиз – рост.

Масалан, чексиз коинотда сузиб юрган ёритгичимиз – Қуёшнинг оғирлиги Ердан 330 минг, кутри (диаметри) эса – 109 баробар катта. Агар қуёшни идишга қиёс этсак, унинг ичига Ерга ўхшаш "шарча"лардан мингларчаси бемалол сиғаркан. Ана шу масофа, қуёш ҳароратининг миллиондан икки фоизи етиб келадиган бир нуқта экан. Ер қуёшга нисбатан "заргарларча" аниқ масофани эгаллаганки, жиндек яқинлашса, куйиб кетиши, арзимас масофага узоқлашса, дарҳол музлаб қолиши тайин. Бир ёнда тафтли-ҳароратли қуёш, бир томон чексиз зулмат, совуқ коинот. Ер, шу марradan бирор метр ҳам оғишмай, коинот бўйлаб сониясига қанчадир километр йўл босади. Бундай аниқ тартиб, ўз-ўзидан пайдо бўлиши мумкинми?

Фалакшуносларнинг таъкидлашича, қуёш тизими яратилганидан буён ҳали ўз ҳаракати давомида бир жойдан икки марта ўтмаган ва ўтмайди ҳам. Демак, биз Қуёш тизими таркибида (у эса "Сомон йўли" галактикаси ичида) чексизлик бўйлаб чексиз... сафар қилмоқдамиз!

Ақлга "сиғадиган" маълумотларга қайтайлик. Биз яшаб турган Ерда ҳамма нарса дақиқ ҳисоб-китоб билан яратилган. Олимларнинг аниқлашларича, Ерни ўраб турган атмосфера қатламининг 78 фоизини азот, 21 фоизини кислород ва 1 фоизини нафас олишимиз учун зарур бўлган бошқа моддалар ташкил қилар экан. Агар ҳаводаги кислороднинг миқдори 21 фоиздан ошиб кетса, бир учқун билан Ер юзи ёниб кетиши мумкин. Агар ҳаводаги кислород 21 фоиздан камайса, лоақал, гугурт ҳам ёқолмас эканмиз. Яна бир қизиқ маълумот: агар атмосферада карбонат ангидрид бўлмаса, Еримиз Қуёшдан олаётган энергиянинг асосий қисмидан маҳрум бўлар экан. Ер юзи ҳаддан ташқари совиб, барча жонзотлар қирилиб кетарди. Агар карбонат ангидрид миқдори ортиб кетса, ҳарорат 400 даражагача кўтарилиб кетган бўлар эди.

Демак, ҳамма нарсанинг ўлчови, ҳисоби бор. Бу – ҳаммаси эмас.

Ерга нисбатан таққослаб, қуёшимизнинг нақадар улканлигини бироз тасаввур этгандаймиз. Қуёшдан энг узоқ сайёра Плутонгача 6 миллиард километр. Бу эса тахминан бутун Қуёш тизимининг ўлчамидир. Яъни, шу ўлчам атрофида Қуёш тизимига кирувчи 9 та сайёра айланади. Улар коинотдаги ҳаракати давомида Қуёшдан на узоқлашиб кетади ва на бир-бирига яқинлашиб, урилиб ҳам кетмайди! Яна ўша савол: қандай қилиб? Айримларимизнинг қулоғимизга чалинган, "Бутун олам тортишиш қонуни" – ҳамма саволларимизга жавоб бера оладими-йўқми?!

Бугунги фаннинг иқрори шуки, ҳозиргача маълум бўлган энг кичик зарра (протон) билан коинотдаги улкан галактикалар ўртасида ҳам ягона бир мужассамлик, ғаройиб муштараклик мавжуд. Диний тушунча орқали изоҳласак, бир чанг заррасининг ердан кўтарилиши ҳам – Аллоҳнинг изни билан бўлади. Қуёш тизимининг ўлчами 6 миллиард километрнинг нари-бериси бўлса, Коинотдаги ВВ деб номланувчи баҳайбат юлдуз диаметрининг ўзиёқ 9 миллиард километрни ташкил қилади.

Тан оламиз: "Беадад коинотда Ер гўёки бир нуқтадир" (Сенека). Бунинг устига, биз учун бепоён кўринган Қуёш тизимимизнинг ўзи – улкан Галактика олдида гўё чанг заррасидек кичик кўринади. Яъни, Сомон йўли деб номланувчи галактикамизда худди Қуёш тизимига ўхшаш яна тахминан 100 миллиард юлдуз туркумлари мавжуд! Галактикамиз шунчалик улканки, унинг бир четидан иккинчи учига ёруғлик тезлиги (сониясига 300 000 км. тезлик)да етиб бориш учун 90 000 йил керак бўлади. Бизнинг ожизгина тасаввуримиз аранг қамраб олган биттагина Галактика шунчалик улкан бўлгач, ўз навбатида, бундай галактикаларнинг беҳисоб, сон-саноқсиз эканлигини тасаввур этишга инсон ақли ожизлик қилиб қолмайдими?!

Қолаверса, инсон фазонинг бепоёнлигидан кўра, ўз-ўзини теран англаб етса, шунинг ўзиёқ катта ютуқ бўлур эди. Фаранг файласуфи Блез Паскалнинг қуйидаги фикрларига эътибор беринг-а: "Бизда, лоақал одам вужудининг ҳаётини тушуниш учун зарур бўлган билим ҳам оз... Вужудга жой, вақт, ҳаракат, иссиқлик, ёруғлик, овқат, сув, ҳаво ва яна кўп нарса керак. Табиатда эса, ҳамма нарса ўзаро шундай боғлиқки, бирор нарсани бошқа бировини ўзлаштирмай туриб ўрганиб бўлмайди... Ўз вужудимиз ҳаётини, фақат унга зарур нарсаларнинг ҳаммасини ўрганибгина тушунишимиз мумкин. Бунинг учун эса бутун борлиқни ўзлаштириш керак. Лекин борлиқ чексиз ва уни ўзлаштириш одам учун мумкин бўлмаган ҳолдир. Демак, бизлар ўз вужудимиз ҳаётини ҳам тўлиқ тушуниб етолмаймиз".

Чексиз оламда Инсон ким ўзи?

Бу саволга ўтмиш мутафаккирлари турли-туман жавоблар топишган. Умар Хайём инсонни "табиатнинг гултожи", "оламнинг меҳвари" дея улуғласа, фаранг мутафаккири Блез Паскаль, "Коинот ичра инсон нима? – дея савол қўяди ва бундай жавоб беради: Чексизлик билан қиёслаганда йўқлик, йўқлик билан қиёслаганда борлиқ, ҳамма нарса ва ҳеч нарса орасидаги ўрталиқдир".

Дарҳақиқат, инсон бу чексиз оламда имкониятлари ниҳоятда чекланган мавжудот десак, ўзимизга мос баҳо берган бўламизми? Мисол учун, жуда паст овозни эшитмаймиз, ўта баланд овоздан эса қулоқ ёрилиб кетади. Кичик зарраларни кўролмаймиз, шунингдек, ўта узоқ масофани ҳам кўзимиз илғамайди. Ҳатто, "энг учқур" деб таърифланувчи ақл-идрокимиз имкониятлари ҳам албатта, чегараланган. Қадимги ҳинд ҳикматида айтилганидек, "Биз олам, одам ва жамият ҳақида жуда-жуда оз нарса билишимизни билиш учун ниҳоятда кўп нарса билишимиз кераклигини камдан-кам одам билади".

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ**

---

**Абдулла БОБОЁР**

# ТОҒЛАРИМ ҲАЙРАТУ...



## МУҲАББАТ

Сизнинг сувратингиз кимлар чизмаган,
Кимлар кўчирмаган дилин қатига.
Сиз ахир бир гулсиз, сиз ахир чаман,
Сиз-ку тимсолдирсиз пари зотига.

Улуғвор ҳаётнинг шараф нурини
Сизнинг жисмингизда, кўзларда кўрдим.
Юракка босганча титроқ кўрини,
Гулим, пойингизга тиз чўкиб тургум.

Сиз-ку ҳаёт гули, ҳаёт булоғи,
Гарчи султондирман, бугун қулман мен.
Юрагим ёқмоқда ишқнинг фироғи,
Манзилга етмаган сарсон йўлман мен.

Мажнунлик қисмати пешонамда бор,
Бир умр қидирдим йўлингиздан тахт.
Майли ҳажрингизда сиз ёқинг дилдор,
Муҳаббат ўтида куйиб ўлмоқ бахт.

## ЁМҒИР

Шаҳар узра тўкилар ёмғир,
Ювиб кўнгил кўчаларини.
Бир ҳислардан эзилар бағир,
Қўмсаб дилбар кечаларини.

Томчиларга чайилар шуъла,
Томчиларга чулғанар чироқ.
Томчилардан туғилар нола,
Томчилардан туғилар фироқ.

Ёмғир ёғар, ёғади тинмай,
Минг жонимга боради чўкиб.
Менинг дилим бир ором билмай,
Томчиларни силайди ўксиб.

Ўксиган дил, ўксиган кўзлар,
Вужудини ёмғирга қорар.
Юрагимда соғинчлар бўзлаб,
Бир томчига айланиб борар.

Шаҳар узра тўкилар ёмғир,
Қўмсаб дилбар кечаларини.
Бир ҳислардан энтикар бағир,
Ювиб кўнгил кўчаларини.

## ШАҲАР

Шаҳарда дарахтмас, бинолар ўсар,
Қўлини торайган кўкларга чўзиб.
Бу ерда еллармас, тутунлар эсар,
Қорайган дарахтлар кўнглини бузиб.

Тупроқ ҳам анқодир, майсалар анқо,
Осмонида учмас куйлаб турналар.
Чаман ҳам дилларга бермайди сафо,
Гарчанд ҳар қадамда наво куй чалар.

Чўллар-ку олисда, қишлоқ ҳам йироқ,
Асфальт йўлкаларда эзилар қадам.
Тош қотган уйларда ҳасратли сўроқ,
Бир тошга айланиб қолмасин одам!

## ЎЗЛИК

Мен сўзман, юрагим бир қоратошдир,
Қўлимда мўйқалам, қилқаламқошдир,
Борлиғим сийратда, кўзларим ёшдир,
Ўзимни бир тошга битаяпман мен.

Тоғларим ҳайрату боғларим ҳайрат,
Бу кўзда бунчалик бир латиф сийрат,
Бу юзлар солди-ку жонимга ғурбат,
Ҳайратлар майини ютаяпман мен.

Бу сочлар дарёдир, тўлқини қора,
Минг йилки, дилимни айлайди пора,
Пойига бош уриб етсайдим зора,
Нетайки, етмасдан кетаяпман мен.

Кетмоқлик осонмас, ортга-ку из йўқ,
Бизлар-ку бор эдик, энди-ку биз йўқ,
На баҳор, на ёзу ҳаттоки куз йўқ,
Жонимни ҳасрат-ла ситаяпман мен.

Не қурдим – вайрону не экдим – пайҳон,
Бир овчи ўқидан оҳ урар жайрон,
Қачон уйғонасан, эй мудроқ виждон,
Мен сени орзиқиб ўтаяпман, мен...

Умидим сендандир, борлиғим сендан,
Дунёда не бўлсам ёрлиғим сендан,
Ё шараф! Ё қудрат! Хорлигим сендан,
Ўзингни энтикиб кутаяпман мен.

---

# ЗАМОНАВИЙ ТАЗКИРА МАЖМУАСИ

ЯНГИ КИТОБ



Филология фанлари доктори, профессор Нўъмон Раҳимжоновнинг "Ўзбекистон адабиётшунослари" номли мажмуасида нашр санаси 2021 йил деб қайд этилган бўлса-да, мазкур китоб устида муаллиф қирқ йил давомида иш олиб борган. Мажмуани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабий танқид ва адабиётшунослик кенгаши нашрга тавсия этган.

Масъул муҳаррирлар Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ва филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат Сирожиддинов. Тазкира шаклида ёзилган мажмуада 300дан зиёд адабиётшунос олимлар, адиблар, тадқиқотчилар, шоир ва таржимонлар ҳақида маълумотлар берилган. Шуҳрат Сирожиддинов ёзган сўзбошида тазкирачилик анъаналари, мажмуанинг илмий аҳамияти ва муаллифнинг илмий-ижодий фаолияти ҳақида ҳам фикр билдирилган.

Ушбу тазкира кенг маънода тарих, тасаввуф ҳамда санъат соҳаларига оид маълумотлар мажмуаси ўлароқ қаралса, тор маънода шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлардир. Н.Раҳимжонов тазкира яратишда ўзига хос йўлни танлаган, яъни унга киритилган маълумотлар адабиётшуносларнинг туғилган йилига кўра тартиб берилган. Муҳими, "Ўзбекистон адабиётшунослари" тазкираси адабий даврни ўрганиш, маълум бир даврда яшаган ёки замондош олиму фозиллар ижодидан бохабар бўлиш, баҳо бериш, адабий муҳитни ўрганишга имкон бериши билан қимматлидир.

**Раъно ИБРОҲИМОВА,**
**филология фанлари доктори**

---

**Ҳабиб СИДДИҚ**



# «ҚЎЛИНГИЗНИ БЕРИНГ, АКАМУЛЛО...»

ҲАЖВИЯ




Ишдан қайтаётгандим. Бекат яқинида лўли аёл йўлимни тўсиб чиқди.

– Қани, қўлингизни беринг, акамулло.

– Нега? – дедим хушламайроқ.

– Қўлингизга қараб тақдирингиздан фол очаман?

Шундоқ ҳам таранглашиб турган асабим энди чидамади.

– Нари тур-э, – деб бақириб бердим. – Сен айтмасанг ҳам ҳамма менинг қўлимга қараб тирикчилик қилишини яхши биламан. Уйимда еттитаси қўлимга қараб турибди. Ишхонада бошлиқ қарайди. Боғчада мудира аввал қўлимга қараб, кейин набирани олади. Мактабда директор ҳам фол очиб ўтирибди. Чунки иккита неварам ўша ерда ўқийди.

– Ҳеч йўғи бир йўталиб қўйинг, акамулло...

– Ана холос, энди "йўталинг" дейишни ҳам ўрганиб олибсан-да. Қайга борсам, йўталишимни кутишади! Катта-катта идораларга ҳам салом бериб кирганда кўра "йўталиб" кирганнинг обрўси баланд. Бу кетишда ҳамма кўкйўтал бўлмаса деб қўрқаман.

– Хўп, денг, энди, акамулло... Беринг қўлингизни...

– Э-э, нима дедим сенга?! Ўзи бошимда мингта ташвиш. Уларни ҳал қиладиганларнинг олдига боролмай юрибман. Борсам, қўлимга қарайди. Бу қўл ўлгирда қадоқдан бошқа нарса кўринмаса... Улар-ку хижолат бўлишмайди-я, ўзимга ноқулай.

– Ман келажагингизни башорат қиламан, акамулло...

– Э, бор, бор. Ўзи ғам-ташвишлар жонга тегиб, ўнгу терсимни адаштира бошладим, шекилли, хотиним эҳтиёт чорасини кўриб қўйибди, охирги пайтларда туманимиздаги руҳий хасталиклар шифокори ҳам қўлимга қараб турибди. Унинг ҳам дарди битта, ҳар гал қўлимга қарайди-да, бир гапни такрорлайди: "Саломатлигингиз ўз қўлингизда!"

– Иби, акамулло, – дея қорамтир лаблари орасидан сариқ тишларини кўрсатиб кулди лўли аёл. – Улар ингиз бундайчигин қилаберишса... биз лўлиларга нон қолмас экан-да...

---

# Ҳа...аа... Йў...ўқ

Тикон.

У бехосдан кирди танга.

— Воҳ... нима учун?

— Ўзинг билиб, билмаганга солган ишларинг учун.

— Ҳа...аа...

* * *

Виждон.

— У ҳамманинг вужудида бор. Аммо айримлар уни уйғотгиси келмайди.

— Нега?

—Уйғонса безовта қилади.

— Нима учун?

— Унинг айтганларини қилмадинг, ахир.

Ҳа...аа...

* * *

Орзу.

— Ҳаммада бор. Лекин ҳамманикиям ушалавермайди.

— Нега?

— Орзуйини ширин хаёлга айлантиргани учун.

— Ҳа...аа...

* * *

Вақт.

— Ҳаммада бор. Ҳаммада йўқ.

— Нега ҳаммада бору ҳаммада йўқ. Тирикда бору ўликда йўқ, ўликда бору тирикда йўқлиги учун.

— Ҳа, ҳа...аа...

* * *

Хаёл.

— Энг кўп сурилади, бир дам жойида турмайди. Аммо фақат яхшиси ва ширини.

— Аччиқ, ёмони-чи?

— Сурувчи уларни хаёлига келтиришга қўрқади.

— Нега?

— Бир ёмон хаёл суриб кўр-чи. А...а.... Йў...ў...ўқ.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ**

---

ЙЎЛДАЛИКЛАР

## КУЗАТУВ

Йўл одамни тоблайди, пишитади, йўловчи эканингни эслатади. Катта, кенг дунё иморатининг бир айвонидаги кузатувчисан. Елдирим кунлар ичида "зарра"лигингни англайсан.

Йўловчиларнинг феъли, фаҳми, фикри, фасоҳати турфа – ҳар биридан ўрганасан. Яхши-ёмон бир йўлда эканини кўрасан.

Йўлда... дунё ўзгараяпти. Уйлар тобора ҳашамдор бўлиб бораяпти. Одамлар қалбидаги тушунчалар эса, тобора арзон-гаров бўлиб қолмоқда...

## ҚАЙТИМ

Бир-бирини ҳурматлаб келаётган эр-хотин ҳамроҳларим.

– Эҳтиёт бўл, яхши ўраниб ёт, совуқ ўтмасин, – дейди эр.

– Сиз-чи, мени деб сарсон бўлдингиз, касалчилик қурсин, – дейди хотин. Телефон жиринглайди:

– Онажон яхшимисиз? Яхши келяпсизми?

– Ҳа, у шу отанинг ўғли-да. Мана қайтим!

Аёл мамнун бўлади, мижжалари ёшланади... севинчдан.

## ВАГОНДА

Ҳар икки гапининг бири сўкинишдан иборат йўловчи бор вагонда. Ким билан дир телефонда гаплашмоқда:

– Б... Эй, манга қара, сани о...

Эшитмаганга оламиз. Шундай қилсак ютамиз, гўё.

– Тўхтанг, ахир ота-онангиздан ёши улуғ инсонлар бор бу ерда! Нима гап чиқяпти оғзингиздан?! – демаймиз. "Э, у менга бегона-ку, нима деса деявермайдими" – мана ожизлигимиз қаерда?

## МЕРОС

"Яхши етиб олинг! Шифо берсин! Кўрмагандек бўлиб кетинг!" – уч соат олдин танишган ҳамроҳ йўловчи билан хайрлашаётиб, чин дилдан ният билдирасиз. Юктирилган фазилат бу...

**Зиёда АМИНОВА**

---

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси Қилич Абдинабиевга акаси

**Ҳайит АБДИНАБИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

---




O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ


Ҳамкоримиз: imzo akfa


Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТАШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1240. Буюртма Г - 744.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А- 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт- матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 23.00.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233- 57- 42 Санъат бўлими: 233- 56- 40 Назм ва наср бўлими: 233- 58- 60*